

**Таҳрир ҳайъати раиси:**

Х.Б.Юнусов – СамдВЧБУ ректори,  
б.ф.д., профессор

**Таҳрир ҳайъати:**

Ж.Азимов – ЎзР ФА академиги  
А.И.Ятусевич – РФА академиги  
Э.Д.Джавадов – РФА академиги  
С.В.Шабунин – РФА академиги  
Ю.А.Юлдашбаев – РФА академиги  
Т.И.Есполов – ҚР МФА академиги  
Д.А.Девришов – РФА мұхбір аъзоси  
Б.Норқобилов – Ветеринария ва  
чорвачиулиken ривожлан-  
тириш давлат  
қўмитаси раиси

А.Орипов – профессор  
Х.Салимов – профессор  
Ш.Джаббаров – профессор  
А.Даминов – профессор  
Р.Давлатов – профессор  
Қ.Норбоев – профессор  
Б.Б.Бакиров – профессор  
Н.Дилмуродов – профессор  
Ф.Акрамова – б.ф.д., профессор  
Н.Юлдашов – профессор  
Х.Ниёзов – профессор  
Б.Элмуродов – в.ф.д.  
Б.Нарзиев – в.ф.н., доцент  
Х.Бозоров – в.ф.н., доцент  
Р.Рўзикулов – в.ф.н., доцент  
А.А.Белко – ВДВМА доценти  
Д.Н.Федотов – ВДВМА доценти

**Бош муҳаррир вазифасини  
бажарувчи:**

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

**Муҳаррир:**

Дилшод Юлдашев

**Дизайнер:**

Хусан САФАРАЛИЕВ

**Лойиха ташаббускори ва раҳбари:**

Ўзбекистон Республикаси  
Ветеринария ва чорвачиулиken  
 rivожлантириш давлат қўмитаси

**Муассислар:**

Ўзбекистон Республикаси  
Ветеринария ва чорвачиулиken  
 rivожлантириш давлат қўмитаси,  
 “AGROZOOVETSERVIS”

масъулияти чекланган жамияти  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигига 2018 йил 2 февралда

0284-ракам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан  
чоп этилмоқда

**Манзил:** 100070, Тошкент шаҳри,  
Усмон Носир, 22.

**Таҳририят манзили:** 100022, Тошкент  
шаҳри, Күшбеги кўчаси, 22-йй

Тел.: 99 307-01-68,

Фақат телеграмм учун 97 770-22-35.

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

www.Vetmed.uz

**Адади 3450.****Нашр индекси: 1162**

Босишига рухсат этилди: 23.12.2022.  
Бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Офсет усулида чоп  
этиди. 4,25 б.т. Буортма № .  
Баҳоси келишилган нархда.

© Veterinariya meditsinası, #12 (181) 2022  
“PRINT-MAKON” МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Чилонзор тумани, 25-мавзе,  
47-йй, 45-хонадон.

**Чегара ветеринария хизмати**

С.Эргашева – Рақамлаштириш – тараққиёт қалити.....3

**Кўнгил қувончлари**

А.Алиқулов – Кўкрак нишони – фидойилик баҳоси.....5

**Юқумли касалликлар**

N.I. Navruzov – Qo‘ylar xlamidiozida immunologik reaksiyaning  
tahlili .....8

**Паразитар касалликлар**

**Х.Б.Юнусов, Т.И.Тайлаков.** – Албендазолли минерал  
тузли яламани эчкilarнинг стронгилятозларида  
синовдан ўтказиш .....11

**С.М.Ахмедов, А.С.Даминов, Б.А.Кулиев** – Қўйлар  
парамфистомозида ички органлардаги патанатомик  
ўзгаришлар .....13

**О.З.Жавхаров, Т.К.Юлчиев, Қ.И.Жўрабоев** – Балиқларнинг  
ихтиободоз (костиоз) касаллигининг даволаш усуллари ва  
олдини олиш чоралари .....15

**З.И.Алиқулов, Ш.М.Аминжонов** – Қўйлар цистицеркози.....17

**О.С.Давидов, Б.А.Элмуродов, Р.М.Урақова, М.Рахимов** –  
Ўзбекистонда асаларилар тропилелапсоз касаллигининг тарқалиши  
ва унга қарши кураш чоралари .....19

**Акушерлик ва гинекология**

**B.M.Eshburiyev, Sh.A.Urazov** – Mahsuldor sigirlarda bachadon  
subinvolyutsiyasining etiopatogenezi .....22

**О.Ў.Қўлдошев, С.А.Суванов, М.Рўзимов** – Маҳсулдор  
сигирларда туққандан кейинги гинекологик касалликларни  
даволаш ва репродуктив фаолиятини рағбатлантиришда сурфагон  
препаратининг самараси .....24

**Жарроҳлик**

**Ш.Абдухакимов, А. Наврўзов, С.Мавланов** – Уй ҳайвонларининг  
оёқ синишлирида остеосинтез амалиётини қўллаш .....26

**Анатомия ва патфизиология**

**O.A.Djurayev** – Qishloq xo‘jaligik hayvonlarini patlogoanatomik  
yorib tekshirish.....28

**Лаборатория амалиёти**

**T.Қ.Газнақулов** – Парранда касалликларига (Ньюокасл,  
Грипп, Юппиг ва б.) қарши эмлашга ишлатилаётган

вакциналарнинг биологик фаоллигини аниқлаш .....30

**С.Ашуров** – Ветеринария дори воситалари ва озиқабоп  
қўшимчалар сифати ва хавфсизлигини таъминлаш илмий жиҳатдан  
такомиллашмоқда .....32

**Йил сархисоби**

2022 йилда чоп этилган илмий мақолалар рўйхати.....34

**Chairman of Editorial Board:**

X.B.Yunusov – doctor of biology, professor

**Editorial board:**

J.Azimov – academic  
 A.I.Yatusevich – academic RAN  
 E.Dj.Djavadov – academic RAN  
 S.V.Shabunin – academic RAN  
 Y.A.Yuldashbayev – academic RAN  
 T.I.Espolov – academic QR MFA  
 D.A.Devrishov – correspondent RAN  
 B.Norqobilov – Chairman of the state Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan  
 A.Oripov – professor  
 X.Salimov – professor  
 Sh.Djabbarov – professor  
 A.Daminov – professor  
 R.Davlatov – professor  
 Q.Norboev – professor  
 B.B.Bakirov – professor  
 N.Dilmurodov – professor  
 F.Akramova – doctor of biology, professor  
 N.Yuldashev – professor  
 X.Niyozov – professor  
 B.Emuradov – doctor of veterinary  
 B.Narziev – doctor of veterinary  
 X.Bozorov – doctor of veterinary  
 R.Ruzikulov – doctor of veterinary  
 A.A.Belko – dotsent VDVMA  
 D.N.Fedotov – dotsent VDVMA

**Acting Chief Editor:**

Abdunabi ALIKULOV

**Editors:**

Dilshod YOLDOSHEV

**Designer:**

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

**Initiator and leader of the project:**

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

**Founders:**

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan,  
 “AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and News agency by 0284**

**Address:** 22, Usmon Nosir, Tashkent, 100070. Editorial address: 4, Kushbegi, 22 Tashkent, 100022 Tel.: 99 307-01-68, 97 770-22-35

**E-mail:** zooveterinariya@mail.ru  
[www.Vetmed.uz](http://www.Vetmed.uz)  
**circulation: 3450**

**Index: 1162**

Permitted for print: 23.12.2022. Format 60x84 1/8 Printed by Offset printing 4,25 press works Order #22 Free price.  
 © “Veterinariya meditsinasi”, #12 (181) 2022

Printed by “PRINT-MAKON” Co., Ltd., Tashkent city. 47/45, Chilanzar 25 quarter .

**Border veterinary service**

**S. Ergasheva** – Digitization is the key to development ..... 3

**Challenging theme**

**A.Alikulov** – A breast medal - value of self-sacrifice ..... 5

**Contagious diseases**

**N.I.Navruzov** – Analysis of immunological reaction of chlamydia in sheep ..... 8

**Parasitic diseases**

**Kh.B. Yunusov, T.I. Tailakov** – Testing mineral salt lick with Albendazole in strongylatosis of goats ..... 11

**S.M. Akhmedov, A.S. Daminov, B.A. Kuliev** – Pathanatomical changes in internal organs in sheep paramphistomatosis ..... 13

**O.Z.Javkharov, T.K.Yulchiev, K.I.Juraboev** – Ichthyobodosis (costiosis) of fish, methods of treatment and preventive measures ..... 15

**Z.I.Alikulov, Sh.M.Aminjonov** – Cysticercosis of sheep ..... 17

**O.S.Davidov, B.A.Elmuroidov, R.M.Urakova, M.Rakhimov** – The spread of tropilaelapsosis of bees in Uzbekistan and measures to combat it ..... 19

**Obstetrics and gynecology**

**B.M.Eshburiyev, Sh.A.Urazov** – Etiopathogenesis of uterine subinvolution in productive cows ..... 22

**O.U.Kuldoshev, S.A.Suvanov, M.Ruzimov** – The effect of surfagon in the treatment of postpartum gynecological diseases and stimulation of reproductive activity in productive cows ..... 24

**Surgery**

**Sh. Abdukhakimov, A. Navruzov, S. Mavlanov** – Practical application of osteosynthesis in leg fractures of domestic animals ..... 26

**Anatomy and pathophysiology**

**O.A. Djurayev** – Pathologoanatomical dissection of agricultural animals ..... 28

**Laboratory practice**

**T.K. Gaznakulov** - Determination of the biological activity of vaccines used against poultry diseases (Newcastle, flu, etc.) ..... 30

**S. Ashurov** – Scientifical improvement of ensuring the quality and safety of veterinary drugs and nutritional supplements 32

**2022 summary**

List of scientific articles published in 2022 ..... 34

## РАҚАМЛАШТИРИШ – ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

– Бугун ҳаётимизни интернетсиз, рақамли технологияларсиз тассаввур этиб бўлмайди. Ишдами, уйдами, дам олиш ё сафардами қаерда бўлманг, кўл телефони ё планшетда дунёда бўлаётган ўзгаришлардан боҳабар бўлиш, виртуал оламда кезиш мумкин. Дунё шу қадар тезкорлик билан ривожланиб боряптики, электрон ахборот тизими барча соҳаларга кириб бормоқда. Тезкорлик, аниқлик ва инсон омилисиз ишлаш ракамлаштириш тизимининг энг катта қулайлигидир. Шу боис қисқа даврда бошқармага карашли 19 та чегара ва транспорт ветеринария назорати пунктлари ва 1 та “Далагузар” вет-санитария участкасидаги барча техника воситалари янгиланди, постларга сенсорли дизенфекцияловчи ускуналар ўрнатилди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси Давлат чегараси ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси бошлиғи Борот Рузбоев. – Айни чоғда пунктларимизда жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария хизматларини кўрсатиш жараёни тўлиқ рақамли технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда. Шу тариқа тадбиркорлик субъектларига қоғоз кўринишидаги ҳужжат тақдим этиш тамоилии бутқул барҳам топди.



*Бошлиқ ўринбосари Алижон Жумаев*

Ракамларга назар ташлайдиган бўлсак, мутахассисларимиз томонидан 2020 йилда 14 мингдан ортиқ, 2021 йилда 16 минг 400 дан ортиқ ва жорий йилнинг 11 ойи давомида 20 мингдан ортиқ ветеринария ҳужжатлари тўлиқ “Ягона ойна” ахборот тизими орқали расмийлаштирилган.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари Алижон Жумаевнинг таъкидлашича, чегарада ишлаш мутахассисдан алоҳида масъулият, хушёrlик ва ишчанликни талаб этади. Чунки импорт ва экспорт жараёнида иштирок этаётган турли русумдаги автомобилларни дезинфекция қилиш, бу ишни замонавий сенсорли дезинфекция ускуналари кўмагида бажариш ўта хавфли касалликлар қўзгатувчиларини республикамиз худудига кириб келишига барҳам беради.

Дезинфекциялашда ишлатиладиган кимёвий воситалар меъёри талаб даражада бўлиши, бирор автомашина эътибордан четда қолмаслиги бошқарма томонидан тўлиқ назоратга олинган.

– Мутахассисларимиз жойларга чиқиб ҳақиқий ҳолатни доимий равища ўрганмоқда, ўз вазифасини сидқидилдан бажарган пост бошлиқлари, инспекторлар рағбатлантирилмоқда, мавжуд муаммо ва камчиликлар эса тезкорлик билан бартараф этиляпти. Шунга мос равища жорий йилининг 11 ойи давомида чегара ветеринария назорати пунктлари томонидан республикамизга кириб келаётган ва транзит ўтаётган 762 минг 800 дан ортиқ автомашиналар ветеринария-санитария ишловидан ўтказилди, – дейди Алижон Жумаев. – Бундан ташқари, давлат ветеринария назорати хизмати томонидан 114 бош декоратив күшлар, 214 кг мол гўшти, 490 кг балиқ маҳсулотлари, 10,3 минг дона инкубацион тухумлар тегишли хужжатлари бўлмаганлиги ҳамда ветеринария-санитария талабларига жавоб бермаганлиги сабабли белгиланган тартибда йўқ қилинди. Шунингдек, 6 бош номаҳсулдор ҳайвонлар, 107 бош декоратив күшлар, 110 кг мол гўшти, 151 кг кўй гўшти, 5 тонна парранда гўшти, 455 кг сут ва сут маҳсулотлари, 20 бош судралиб юрувчи ҳайвонлар, 100 кг дengiz маҳсулотлари, 12,46 тонна тери чиқиндилари ветеринария-санитария талабларига жавоб бермаганлиги сабабли белгиланган тартибда республика худудига киритилмай қайтарилди.

Шунингдек, ҳалқаро алоқаларни ривожлантириш ҳамда ветеринария хизматини ҳалқаро стандартларга мослаштириш мақсадида Германиянинг Ҳалқаро ҳамкорлик жамияти (“GIZ”) ва Европа иттифоки томонидан ташкил этилган Марказий Осиёда чегараларни бошқаришга кўмаклашиб дастури (“БОМКА”) билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган бўлиб, ушбу қайд этилган дастурлар доирасида ташкил этилган семинар ва ўқув-тренингларда бошқарма тизимидағи мутахассислар доимий қатнашиб, ўз малакаларини ошириб келмоқдалар.



*Бўлим бошлиғи Баймуродов Шукрат Эшкулович*



Бўлим бошлиги Шуҳрат Баймуродов сўзларига қараганда, кейинги икки йил ичидагачегара ва транспорт ветеринария пунктлари моддий-техник холатини яхшилашга (хизмат автомашиналари, компьютер,офис техникалари, мебеллар, рациялар) жами 1,4 млрд сўм маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги “Ташки иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада тако-



миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПК-4297-сон қарорига мувофиқ республиканинг 9 та (“Ўзбекистон”, “Дўслик”, “Ойбек”, “Яллама”, “С.Нажимов”, “Жарте-па”, “Олот”, “Хайратон”, “Сариосиё”) чегара ўтказиш масканларида замонавий дезинфекция йўлаклари барпо этилди. 2023 йилда “Даут-ота”, “Сирдарё” ва “Навоий” чегара ўтказиш масканлари мана шундай замонавий дезинфекция йўлаклари куриш режалаштирилган.

Бундан ташқари халқаро молия институтларининг грант маблағлари хисобидан 40 дона моноблок, 40 дона кўп функцияли принтер, 24 донадан лаборатория жиҳозлари (рН-метр, Овоскоп, Лактан, Термометр) ва истеъмолга яроқсиз назоратдаги товарларни кўйдириш печлари олинди.



**“Ховос” чегара ветеринария пунктининг бошлиги Зокир Тојикулов ҳамкаси билан**

Шу йилнинг 11 ойида жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилган пулли ветеринария хизматлари ҳажми 47 млрд. сўмни ташкил этди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 44,2 фойздан ортик). Электрон тизим орқали ветеринария хизматини кўрсатиш бўйича 2134 та оферта шартномалари расмийлаштирилди ва ушбу оферта шартномаларига асосан 17 502 та электрон хисоб варакфактуралар расмийлаштирилди.

— Айни чоғда бошқарма тизимида 157 нафар мутакассис фаолият олиб бормокда. Шундан 15 фоизини хотин-қизлар, ярмидан кўпини эса 35 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади, — дейди бошқарма бошлиги Борот Рузибоев. — Ана шу ёшлар шиҷоати бизга қанот бағишимоқда, аммо ветврачлик дипломини олиш ҳамма



нарсани билиш дегани эмас. Қолаверса, чегарада ишлаш, ҳам одамлар, ҳам ҳарбийлар билан бакамти туриш, ҳар бир ҳаракатингда хушёрликни йўқотмаслик осон эмас. Мехрибон устоззага йўлдош бўлсанг, унинг маслаҳати, йўл-йўриги билан фаолиятни бошлассанг адашмайсан. Шу сабабли ҳам биз бошқарма тизимида устоз-шогирд анъанасини йўлга қўйганимиз. Тажрибали ветврачлар ёшларни электрон шаклда ишлашга, тинимсиз ўқиб-ўрганиш, масъулиятли, энг муҳими, хушмуомала бўлишга ўргатмоқда. Бу келажакда ўзининг ижобий смарасини беради, албатта.

**Севинч Эргашева**

## КҮКРАК НИШОНИ – ФИДОЙИЛИК БАХОСИ

Не ажабки, бу йил она табиат яна ўз нағмасини күрсатди, декабрь об-ҳавоси күтилмаганда аёзли бошланди. Совук сүякка санчилгудек, айрим жойларда харорат минус 25 га қадар тушиб кетди. Шахарлару кишлокларда газ, электр энергияси таъминотида узилишлар кузатилиб, турли давлат идоралару ташкилотлар биносини, таълим масканларию кўп қаватли уйлару хонадонларни иситиш муаммога айланиб қолди. Ижтимоий тармоқларда шу қадар кўп шовшувлар эълон қилинди, бир карашда вазиятни ўнглаб бўлмайдигандек. Автомобилларга метан газ кўйиш шохобчаларидаги узундан узун чўзилган навбатлар, кишлокларда кўмири, ўтин, суюлтирилган газ масаласи. Хуллас, қиши совуқдан совуқ хабарлар, ҳолатлар билан кириб келди. Мана шундай шароитда Президентимиз зудлик билан муаммолар ечими билан шуғуланишга киришиди, мутасаддиларга керакли топшириклар берилди. Президент ҳалқ ичига қараб юрди, пойтахтдаги маҳаллаларда, иситиш тизими корхоналарида бўлиб камчилик билан қизиқди, мутахассислару одамлар кайфиятини кўтаришга киришди. Давлат раҳбари биз билан бирга, демак, ҳавотирга ўрин йўқ. Кўпчилик ана шундай кайфиятда сўзлай бошлади. Бугун эса давлат раҳбари томонидан кўрилган кескин чоралар, оқилона сиёsat аста-секинлик билан бўлса-да ўз натижасини бермоқда. Айни чоғда аёз одамларни чўчитмай кўйди. Шунингдек, мамлакатимизда Конституция қабул қилинган кун ва Қишлоқ хўжалик ходимлари байрами кўтариинки руҳда ўтказилди. Бошқа соҳалар қатори энг фаол ветеринария мутахассислари муносиб тақдирланди. Чун-




пасайгани йўқ. Шахарлару туман марказларида янги йил олди савдо ярмаркалари ташкил этилаётгани ҳам бу йилги музли декабрдаги яна бир илиқ гап. Биз буни Келес дехқон бозорида бўлганда кўрдик. Тошкент туман ветеринария ва ҷорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Фаҳриддин Файзулаевнинг эътироф этишича, янги йил байрами дастурхонини гўштсиз тасаввурга сифдириб бўлмайди. Шу боис туман марказидаги бозорда маҳсус жой ажратилиб, диёнатли ва тантн ҷорвадорларнинг кўмаги билан ҳам арzon, ҳам сифатли гўшт маҳсулотлари савдоси йўлга кўйилди. Кушхонада ҳалол ва ветсанитария талабига кўра сўйилиб бу ерга келтирилган 6 бош кўй гўшти, 300 килодан ортиқ тош босадиган хўқиз гўшти ва тухум, парҳезбон парранда гўшти савдосига Ҳабибулло Ҳамидуллаев бош-қош. ВСЭЛ ветврачи Ёрқин Суюндиқов маҳсулотларни синчковлик билан текширган ва ўз муҳрини босган.

– Рақобат – бозор талаби. Гўштни арzon сотишни йўлга қўйганимиз шу пайтгача ўз билганича нарх-



ки улар бунга ҳар доимгидек муносиб, ветеринария ходимлари, жонқуяр ҷорвадорлар, молини қишлоғдан беталофат олиб чиқишини кўзлаб уйқудан кечган одамлар этни жунжиктирадиган об-ҳаводан ҳам, қорлару совуқ туфайли пайдо бўлган булдуруқлардан ҳам заррача чўчигани йўқ. Ёғингарчиликдан сўнг ҳавонинг, осмоннинг тозаргани, қуёшнинг пайдо бўлгани уларга завқ бермоқда. Фермаларда иш туну кун давом этмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ гўшт, сут ишлаб чиқариш, паррандачилик неъматлари савдоси асло



ни қўйиб гўшт со-таётган қассобларга ёқмаслиги тайин. Аммо биз шу ишга кўл урдик. Натижга ёмон эмас, харидор кўпайиб боряпти. Бу янада кўпроқ маҳсулот келтиришини талаб этади. Буни ҳам чорасини кўриб қўйганмиз. Негаки, субсидиялар бериш орқали давлат чорвадорларга кўмаклашмоқда, жониворларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳам хурматимизни оширяпти. Муҳими, меҳнат орқали қадр топяпмиз. Бу барча муаммоларга ечим бўляпти, – дейди Фахриддин Файзуллаев.



Ўз касбининг билимдони ҳисобланган Илёс Маллаев, Фарҳод Исманов, Хожиакбар Содиков, Шуҳрат Мамазиётов ва Назира Сайдованинг шиҷоати туфайли туманда эпизоотик ҳолат барқарор, аммо туманда 8та ветврачлик ўрни бўш турибди.

– Иш ҳақи нисбатан пастлиги туфайли талабгорлар бу ерга келишни истамаяпти, – дейди ташхис марказ мутахассиси Шуҳрат Мамазиётов. – Агар журналга биз ҳакимизда ёзадиган бўлсангиз эълон қилинг, Тошкент тумани ветеринария тизимида 8та бўш штат бор, ветврачлик дипломи борлар ишга келишин, бажонидил жамоамизга оламиз. Фақат дангасалик қилишмаса бас.

Фахриддин Файзуллаев эса барча ҳамкасларни, ветеринария фидойиларини янги йил билан табриклаб шундай деди: – Азиз дўстлар, кўмита раҳбарларию турли лавозимда меҳнат қилаётган ҳамкаслар, заҳматкаш дўстларим, янги йил юртимизга, хонадонимизга бир олам кут-барака олиб келсин, дард кўрманг, фарзандлару набиралар баҳтига доимо соғ бўлинг. Рух тетик бўлса, вужуддан қувват қочмаса барча муаммоларга барҳам берса бўлади.

Дарҳақиқат шундай. Бу дунёда саломатлиқдан ортиқ баҳт борми? Рухнинг тетикиклиги эса дастурхон билан боғлиқ. Эрталаб сигирнинг ёғини ялаб, сутини ичиб мактабга отланган боланинг оёғи илдам, тили бийрон бўлиши ҳам бежиз эмас-да. Чорвадору ветврачнинг заҳмати, унинг фаоллиги ана шу оддий ҳақиқатда янада ойдинлашади. Бу соҳа ривожи давлат сиёсати даражасида кўрилаётгани ҳам шундан. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитасининг сайтига, ЎзА хабарларига назар ташланг. Бугун жойларда Президент талабига кўра мутасаддилар эл орасида, тадбиркору чорвадорларга энг якин кўмакчи бўлмоқда. Кўмита раисининг гоҳ Бухорою Навоий томонларда, гоҳ водийда – энг олис туманларда бўлиб чорвадорлар ҳолидан хабар олаётгани, ҳорманг, дея тадбиркорлар билан сұхbatлар уюштираётгани, муаммоларни ўз жойида тезкорлик билан ҳал этилаётгани қорбўронли декабрдаги қайноқ янгиликлардан. Мана шундай кунларда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси раиси

яна бир хайрли ишга қўл урди. Раиснинг буйруғига кўра бир гуруҳ таникли олимлар, мутахассислар, соҳа фидойилари “Ўзбекистон Республикаси ветеринария фидойиси”, Ўзбекистон Республикаси чорвачилик фидокори” кўкрак нишонлари билан тақдирланди. Эътибор беряпсизми, ташқарида совук, аммо мутахассислар юраги қайноқ. Мукофот олганлар ҳам, уларнинг меҳнатидан завқланиб илғорлардан ўrnak олиш кафолати фақат ва фақат меҳнатда эканлигини таъкидламоқда. Бу хушхабар жами мукофотланган 78 кишининг ўзию яқинлariга бир олам қувонч олиб киргани ҳам айни ҳақиқат. Кўкрак нишони соҳиблари орасида кўмитамизнинг бошқарма бошлиғи Барот Рўзибоев, Республика ташхис маркази директори Баҳридин Тонғариқов, паррандачилик илмию амалиёти билимдони, “Тошкентпарранда” корхонаси раҳбари, ветеринария фанлари номзоди Мираъзам Мирпўлатов, Қорақалпоғистон ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси раиси Маҳмуд Кайпанов ва бошқа зукко инсонлар бор. Нашримиз таҳрир ҳайъати аъзолари, профессорлар Худойназар Бекназарович Юнусов, устозларнинг устози Анвар Орипов, Хайит Салимовни, нашримизнинг энг фаол муаллифлари Бахтиёр Бакиров, Қурбон Норбоеv, Низом Фармоновларни мукофотлару янги йил айёми билан муборакбод этамиз. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, кўмита раиси вилоятлардан энг муносибларни танлашда асосий эътиборни бевосита аҳоли билан ишлаётган ветучастка мудирларига қаратган. Аслида тизимдаги ҳар ветучастка мудири том маънода мақтovга лойик. Чунки у бугун, аёз кутирган, чорва эса оила бойлиги, даромад манбай, пулни ушлаб туриш эмас уни кўпайтириш воситасига айланган маҳал қишлоқдаги энг ҳурматли инсон.

“Ассалому алайкум, жониворларни бир кўриб кетсан.” Ана шу хитоб билан турли-туман характер-



даги одамларнинг ховлисига ким кириши мумкин, албатта ветврач. Унинг йўлини ҳеч ким тўсмайди, аксинча “э, духтири, хуш келибсиз, бир пиёла чойимиз ҳам бор” деди. Агар уй соҳиби бирор жойга кетган бўлса аёл эркагига кўнғироқ қиласди: “тез келинг, ошнангиз келди”, – дейди. Чунки ўз оёғи билан келган мутахассисдан самарали фойдаланиб қолиш керакда. Якинда 60 ёшни қаршилаган Оқдарё туманидаги “Янгиқўрғон” ветучастка мудири Бекмурод Қодиров ҳам кўмита раисининг буйруғига кўра кўкрак нишони

билан тақдирланди. Мукофотни туман ҳокими Шерзод Қудратов тантанали равишда топшириди ва ветврачнинг фаолиятига барака тилади. Шу куни Бекмурод ака самарқандча қилиб айтганда бир қоп семирди, қандай қилиб шу соҳага қизиқиб қолгани, илк бор жониворни даволагани талабчан устозлари ҳақида барчага тўлқинланиб гапириб берди. “Болаларим қишлоқда яшайсизми, дунёнинг у чеккасига бориб рўзгор тебрагасизми, ноним бутун, хурматим ошсин десангиз ветврачликка ўқинг”, деди кўзлари қувончдан ёшга тўлиб. **У камтарин меҳнатини юқори баҳолаган қўмита раиси Баҳром Тўраевич Норқобиловга, бошқарма бошлиги Алишер Нуруллаевга ўз миннагатдорчилигини билдиришни ҳам унутмади.**

– 60 ёшга кирган одам пенсияга чиқишини кўзлаб энди қаридим, ишламайман, дея ўзига бўлган ишончни бир қадар йўқотаркан. Бир ойдирки, мен ҳам шундай кайфиятда эдим. Устоз жойни бўшатинг, биз ҳам участка мудири бўлайлик дейишларидан бурун кетаколай деган хаёлга боргандим. Бирданига бундай эътирофу кўкрак нишони фикримни ўзгартириб юборди. Мени энг муносиб деб танлаган раҳбарларнинг отасига раҳмат, Аллоҳ сийласин уларни, – дейди Бекмурод Қодиров туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиги Фарҳод Эргашевга.

Булунғур туманидаги 60 ёшни қаршилаган ва меҳнат фаолиятига 40 йилдан ошган яна бир ветврач Эрмат Элибоев ҳам мукофотга лойик кўрилди. Биз унинг ишхонасида бўлиб суҳбатлашдик.

– Ветврачлик дипломини олганимдан буён ветучасткадаман. Шу ерда умрим ўтди, одамлар мени, мен одамларни танидим. Шу касб орқали ўғил-қизларни уйли-жойли қилиб, тўй-томушалар килдим. Яратганга беадад шукурки, бугун янада кўпчилик назарига тушдим. Қувончим чексиз, – дейди Эрмат Элибоев.

Мукофот дараги Булунғурнинг у четига бу четига етиб борган, чорвадору ветврачлар Эрмат бобони табриклаган кун бу самимий инсон тантилик билан



бир “эриди”, “кўнгил етарлари”, улфатларини йиғиб Булунғурнинг энг номдор ресторанида “чой” берди. Ҳамкаслар Эрмат бобони Яратганинг суюмли бандаси, омадли инсон дея роса мақташди. Аслида бу эътирофу мақтова мантиқ бор. Чунки кейинги йилларда Булунғурда ветврач бўлиб кимлар ишламади, уларнинг қанчаси 60 ёшдан ошмади дейсиз. Аммо уларнинг ҳеч бирига арзигулик медал тугул фахрий ёрлик ҳам насиб этмади. Эрмат ака эса бугун мукофот олмоқда. Ҳатто кечагина бу ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган.

– Бугун хаёлан дастлаб ишга кирган қуним ва ҳозирги ҳолатни солиштиридим. Осмон билан ерча фарқ бор. Ветучасткани қўйинг, ўша пайтларда туман ветбўлимнинг биноси эгаси ташлаб кетган ҳовлига ўхшарди. Таъмирлаш ҳеч кимнинг эсига келмаган. Айни чоғда эса ҳокимлик берган 250 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига ишхонамиз замонавий тарзда қайта қурилди. Мевали ва манзарали дархтлар экиб, ишхона ҳовлисини обод қилдик. Ветучасткалар учун тўлиқ жиҳозланган бепул контейнерлар берилаётганини айтмайсизми? Факат яхши ишлаш талаб этиляпти. Қўмитамиз раисининг қўмаги билан бўлимга ва ташхис марказимизга керакли асбоб-ускуналарни оляпмиз. Энг муҳими, кейинги йилларда ҳавфли касалликларга қарши эмламалар таъминоти бекиёс даражада ошди. Бунда қўмита раисининг хизмати бекиёс. Ва яна тизимда қўмитамиз раисининг ҳар бир топшириги, кўрсатмаси сўзсиз бажарилмоқдаки, бу ўз-ўзидан чорва бош сони ва наслини яхшилашга хизмат қилмоқда. Ёш мутахассисларнинг малакасини ошириш эса доимий эътиборимизда. Шундай бўлгач, одам янада шижоат билан ишлагиси келади-да, – дейди Эрмат ака вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошлигининг ўринбосари Ҳамдам Ҳамаров ва туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиги Ботир Номозовга.

– Ботир ака сизни гапга нўноғу аммо ишни қотиради деганди, сезяпманки, адашибди, – дейди Ҳамдам Ҳамаров ҳазил оҳангиди. – Балки, кўкрак нишони одамни шу қадар гапдон қилиб кўярмикин-а. Муборак бўлсин, ҳавасимиз келди, шундай мукофотлар барчамизга насиб этсин. Янги йил соҳамизга бекиёс ўзгаришлар, ютуқлар олиб келсин.

– Туманимизда 18 та ветучастка мавжуд, уларда ишлаётган барча мутахассислар эътирофга лойик. Уларнинг шижоати билан эмлаш ишлари ҳам, сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантириш орқали чорва наслини яхшилаш, аҳоли даромадини ошириш тадбирлари ҳам самарали рўёбга чиқарилмоқда. Мутахассисларимиз 4 та гурухга бирлашган ҳолда маҳаллабай, хона-донбай тамойилига кўра ишляпти. Максад-муаммога йўл қўймаслик. Туну кун эл хизматида бўлиш эса ветврачлар даромадини оширишни ҳам таъмин этяпти, – дейди Ботир Номозов. – Биз берилаётган имкониятлару имтиёзлардан мамнунмиз. Журналга ёзаётганда бир гапни таъкидлаб қўйинг: Булунғурда ислоҳотлар аҳоли даромадини оширишга хизмат қилмоқда. Ветврачлар эса қиши чилласида, аёзли кунларда ҳам бедор, одамлар назарида энг хурматли кишиларга айланган.

**Абдунаби Алиқулов**



## QO'YLAR XLAMIDIOZIDA IMMUNOLOGIK REAKSIYANING TAHLILI

### Аннотация

В статье представлены данные по изучению иммунитета у овец иммунизированных эмульгированной ГОА формол вакциной против хламидиоза овец с помощью тест наборов ИФА производства НИИВ и СП ООО «UNIGEN». Установлены средние значения показателей IgG, при вакцинации ( $0,275 \pm 0,015$ ), ревакцинации ( $0,310 \pm 0,025$ ) по сравнению с контрольной группой ( $0,104 \pm 0,006$ ), данная разница является статистически достоверной и свидетельствует об иммунологической перестройке в организме овец уже при первичном введении вакцины.

**Kalit so'zlar:** xlamidioz, immunoglobulin, vaksina, immunitet, immunofon, antigen, mikroorganizm, retseptor, seroguruh.

**Mavzuning dolzarbliji.** Respublikamizning iqtisodiyotiga mayda va yirik shoxli hayvonlar xlamidiozi katta iqtisodiy zarar keltirishini fermer xo'jaliklar misolida yillar davomida kuzatishimiz mumkin. Chorva hayvonlari orasida tekshirishlar natijasiga ko'ra, yiliga 12 foizgacha abort bo'lishi aynan xlamidioz kasalligi tufaylidir. I.I.Nosov va A.A.Volkovalar ma'lumotiga ko'ra xlamidioz natijasida qishloq xo'jalik hayvonlari orasida 50 foizgacha abort bo'lishi aniqlangan. Kasal hayvonlarni davolash va kasallikka qarshi kurashish tadbirlari uchun katta mablag' sarflanadi.

Ma'lumotlariga ko'ra, mayda shoxli hayvonlar orasida AQShda 18-43,6; Kanadada 9-21,6; Gollandiyada 16-24,8; Fransiyada 18-57; Angliyada 14-46,4; Avstraliyada 6-26,2 va Isroilda 3-34 foiz xlamidioz tarqalganligi ta'kidlangan.

Xlamidioz – enzootik kechadigan kontagioz infektion kasallik bo'lib, homila yo'ldoshining, ayniqsa kotiledonlarning yallig'lanishi, bo'g'ozlikning 2-yarmida abort kuzatilishi yoki nimjon, hayotchanligi past, layoqatsiz qo'zi va buzoqlarning tug'ilishi hamda ularda o'pkaning yallig'lanishi (pnevmoniya) bilan xarakterlanadi.

Qo'zg'atuvchisi – Chlamydiphila abortus ovis Chlamydiae oilasi va Chlamydiacea psittaci avlodiga mansub. Xlamidiyalar hujayra ichi paraziti bo'lib, o'lchami 250-300 nmgacha bo'ladi. Ularning hujayra devori qalin bo'lib, tarkibida DNK va RNK mavjud mikroorganizmlar hisoblanadi.

Xlamidiya qo'zg'atuvchisi murakkab antigenlik tuzilishiga ega bo'lib, unda uchta – jinsga, turga va seroguruhga xos antigenlik markazlari mavjuddir. Uning jinsga bog'liqligi gram manfiy bakteriyalar singari hujayra devori termostabilligi tufayli lilipo-polisaxariddir. Antigenlik jinsning o'ziga xosligini aniqlaydigan epitop uglevodda joylashgan maxsus bog'lanuvchi retseptor va 3 monomerdan iborat oligosaxarid molekulasiidan iboratligi bilan ifodalanadi (G.A.Dmitriyev va boshqalar., 1999). Antigen serotiplari turga xos determinantlarni oqsil membranasida sisteinga boy aminoklotasini maxsus lokalizatsiya qilishidan farqlanadi.

**Tadqiqot maqsadi.** Qo'ylarning xlamidioziga qarshi qo'llaniladigan GOA formol emulgirlangan vaksinaning immun tizimga ta'siri barqarorligi "UNIGEN" MCHJ QK tomonidan ishlab chiqilgan IgM va IgG test to'plamlari bilan hamda vaksinaning samaradorligini immunofonni aniqlash tajribamizning maqsadli hisoblanadi.

### Summary

The article presents data on the study of immunity in sheep immunized with emulsified GOA formol vaccine against sheep chlamydia using ELISA test kits manufactured by NIIIV and JV LLC «UNIGEN». The average values of IgG indicators were established, with vaccination ( $0.275 \pm 0.015$ ), revaccination ( $0.310 \pm 0.025$ ) compared with the control group ( $0.104 \pm 0.006$ ), this difference is statistically significant and indicates an immunological restructuring in the body of sheep already with the initial administration of the vaccine.

**Tadqiqot obyekti va uslublari.** Tadqiqotlar Veterinariya ITIning Mikrobiologiya, Hududiy diagnostika va Yosh hayvonlar kasalliklarini o'rGANISH laboratoriylarida hamda ishlab chiqarish sharoitida Qashqadaryo viloyati Dehqonobod tumani "M.Ibragimov nomli Qorako'Ichilik shirkat" MCHJ chorvachilikka ixtisoslashtirilgan kompleksida olib borildi.

Organizmning mikroblar bilan qarshi kurashishi immunoglobulinlar miqdori va qo'zg'atuvchilarga ta'siri bilan belgilandi. Qishloq xo'jaligi hayvonlarida immunoglobulin – E va immunoglobulin – D deyarli aniqlanmagan (F.J.Bourne et al. 1978). Makroglobulinlardan IgM – immun reaksiyalarning boshlang'ich stadiyasida paydo bo'ladi. IgG – qon zardobidagi asosiy immunoglobulin bo'lib, uning ikkita Ig-G<sub>1</sub> va Ig-G<sub>2</sub> turlari farqlanadi. Immunoglobulinlardan tashqari organizmning asosiy hujayra elementlari makrofaglar (monotsitlar), shuningdek, faol T va B – limfotsitlar ham organizmning mikroorganizm va viruslarga qarshi chidalilagini ta'minlaydi (S.A.Grin., A.I.Albulov., Ye.A.Ruban., A.V.Grin.). Kasallikni davolashda ishlatiladigan antibiotik vositalar organizm to'qima va hujayralarining morfologik va patologik holatiga salbiy ta'sir etadi. Bunday fermentli va bosqichli reaksiyalarda poliklonal faollashuv sindromlari noto'g'ri ijobjiy natijalarning sababi bo'lishini inobatga olish kerak. Shu bilan birga hayvon organizmida individual (ontogenistik) davrda maxsus moddalar – superantigenlar – B limfotsitlar tomonidan turli organizmga kirib kelgan begona antigenlarga qarshi maxsus himoyalananuvchi oqsil tabiatli fermentlar ishlab chiqarilishi va javob qaytarilishini o'ziga xos bo'lgan tarzda rag'batlantiradi. Amalda, bu jarayonlar bir vaqtning o'zida ko'plab patogenlarga antigen titrining o'ziga xos bo'lmasligi ortishi bilan ifodalanadi. Antigenlarni aniqlashda noto'g'ri salbiy natijalar immunitet tanqisligi holatlariga, shuningdek, reaksiyani shakllantirishdagi texnik xatolarga bog'liq bo'lishi mumkinligi adabiyot manbalarida keltirilgan.

Dastlabki reaksiya aniqlanuvchi immunoglobulin–Ig (immunoglobulin, antitelo) va immunologik planshet chuqurqasi yuzasiga o'rashgan (fiksasiya qilingan) xlamidiya qo'zg'atuvchining tozalangan antigeni o'rtasida ro'y beradi. Hosil bo'lgan immuno-komplekslarni aniqlash uchun ikkinchi immunologik reaksiya o'tkaziladi, bunda antigen sifati-

da bog'langan maxsus Ig (xlamidiya qo'zg'atuvchi antigeni bilan bog'lanib, immuno-kompleks hosil qilgan) qatnashadi, unga antitelo sifatida kon'yugat (quyon yoki boshqa hayvon qon zardobiga muvofiq keluvchi ferment (peroksidaza) bilan belgi qo'yilgan immunoglobulin (Ig) qatnashdi. Keyinchalik kon'yugat molekulasingin maxsus fermentli qismi tomonidan kataliz qilinuvchi fermentativ reaksiya boradi. Bu reaksiyada substart sifatida rangsiz modda – xromogen qatnashadi va reaksiya jarayonida rangli modda hosil qildi. Reaksiya davomida planshet chuqurchasidagi suyuqlik rangining intensivlik darajasi muayyan tarzda namunadagi immunoglobulinlar miqdoriga bog'liqligini inobatga oldik.

Reaksiya to'xtatilgach maxsus apparat (kolorimetrik) yordamida planshet chuqurchalaridagi suyuqlikning ranglanish zichligi o'lchanadi, natijalarni hisoblash uchun maxsus apparatdan foydalanildi. Nazoratdagi namunalar optik zichligi bilan solishtirilib, tahlil natijalari matematik ishlovdan o'tkaziladi. Ushbu chuqurchada optik zichlik qancha yuqori bo'lsa, namunadagi maxsus xlamidiya antitelolar miqdori shuncha ko'p bo'ladi.

IFT uchun chuqurchalari devorlariga oldindan antigen adsorbsiya qilingan 96 chuqurchali polistirol planshetlaridan foydalanildi. Tekshirilayotgan qon zardobi planshet chuqurchasiga solindi. Bunda gomologik antitelolar oldindan adsorbsiya qilingan antigenga birikdi. Xlamidiyalarning birikmagan antitelolari yuvish (vosher) jarayonida chiqib ketadi. Keyin chuqurchaga konyugat – quyon yoki boshqa hayvon immunoglobulinlarga (xlamidiya antitelolariga) qarshi ferment bilan belgilangan antitelolar qo'shildi. Agar tekshirilayotgan qon zardobida aniqlanayotgan xlamidiya antitelolari mavjud bo'lsa, ular bu bosqichda antigen rolida qatnashadilar va fermentga belgilangan xlamidiya antitelolari bilan birikadi. Yuvishdan so'ng qo'shilgan xromogen modda (rang beruvchi) chuqurchalarda bo'yاليshning rivojlanish bo'yicha reaksiyani hisobga olish imkonini beradi. Bo'yалиsh intensivligi ferment miqdoriga proporsional, demak, xlamidiyalar antitelolar miqdoriga ham proporsionaldir (son jihatdan ekvivalent bo'ladi). Chuqurchalardagi suyuqlikning optik zichligini o'lchanadi va uni nazorat namunasi bilan solishtirishda antitelolar konsentrasiyasini hajm birligida hisoblanaadi. Ko'pincha, natijalarni optiq zichlik birligida hisoblashdan foydalaniladi. IFT natijalarini, me'yoriy va patologik

ko'rsatkichlar pog'onalarini hisobga olish bo'yicha har bir test-tizimlarning o'z ko'rsatkichlari mavjud hamda IFT nati-jalarini tahlil qilishda ularga asoslanish lozim. IF tahlilni o'tkazishda "Socorex" dozatorlari, Elx405 mikroplanshetlar ni yuvish pribori, ELX808 mikroplanshetlar avtomatik analizatorlaridan foydalanildi. Reaksiya jarayonida olingen nati-jalar interpretatsiyasi Bio-Tek KC4™ ta'minlovchi dasturi yordamida elektron tarzda (kompyuterda) amalga oshirildi.

"UNIGEN" MCHJ QK tomonidan tayyorlangan IgM va IgG test to'plamlari orqali profilaktik samaradorligini o'rGANISH uchun tajribada vaksina bilan emlangan qo'ylar organizmida serologik va immunologik reaksiyalar hamda ularning tabiiy kasallanganida tadqiqotlar 3 guruha taqsimlangan 30 bosh qo'ylarda o'rGANILDI.

I tajriba guruhidagi 10 bosh qo'ylarga "Xlamidiozga qarshi emulgirlangan vaksina" teri ostiga 2 marta in'eksiya qilindi.

10 bosh II qiyosiy guruha "Xlamidiozga qarshi emulgirlangan vaksina" bilan faqat bir marta emlandi.

III guruhi (10 bosh) nazorat guruhi bo'lib, ularga hech qanday preparat qo'llanilmadi. Tadqiqotlar uchun ajratilgan qo'ylar xo'jalik veterinariya vrachining anamnez ma'lumotlari asosida avvalgi yil abort qilingan va tuqqan bolalari hayotga layoqatsiz ekanligi inobatga olingen holda belgilandi.

#### Tadqiqot natijalari.

Immunofermentli tahlil (IFT) reaksiyasi qo'zg'atuvchi antigeni yoki unga qarshi hosil bo'lgan maxsus antiteloga nisbatan qisqa vaqtida aniqlab berishiga asoslangan holda o'rgandik. Tajribadagi mayda shoxli hayvonlar xlamidioziga qarshi emlangan hollarda IFT uslubi bilan tekshirish, kasallangan va emlangan hayvonlarni bir-biridan farqlash imkonini bersa-da, biz serologik (KBR) uslubning immunologik uslubga nisbatan oson, tez, qulay holda tashxislash takomillashganini aniqlash maqsadida foydalandik.

Immunofermentli tahlil – laboratoriya tadqiqoti bo'lib "antigen-antitelo" immunologik reaksiyalarining yuqori darajadagi maxsuslik va sezuvchanlik xususiyatlariga asoslangan. IFT 2 ta turli komponentdan – immun va fermentli reaksiyalaridan iborat. Immun reaksiya (mikroorganizm va virus molekulalari) antigen va antitelo bog'lanishi bo'lib xizmat qildi. Fermentli reaksiya esa immunologik reaksiya

*1-jadval.*

#### Xlamidiozga qarshi emulgirlangan vaksinaning immunologik tahlili

Guruhrar	Hayvonlar bosh soni	Tahlil turlari		
		C reaktiv oqsil (me'yorda 0,1-0,3 mg/l)	IgM (me'yorda 0,4-2,3 mg/l)	IgG (me'yorda 7-16 mg/l)
I tajriba guruhi	10	0,31±0,025	2,8±0,23	19,4±0,96
II qiyosiy guruhi	10	0,275±0,015	2,19±0,143	16±1,152
III nazorat guruhi	10	0,104±0,006	0,357±0,017	7,3±0,09

natijalarini ko'rish va o'lhash imkoniyatini beruvchi kolorimetrda foydalanildi. Qashqadaryo viloyati Dehqonobod tumani "M.Ibragimov nomli Qorako'lchilik shirkat" MCHJ kooperativ chorvachilikka ixtisoslashtirilgan kompleksi xo'jaligida epizootologik holatni nazorat qilish va umumiyl immunofonni aniqlashda immunobiologik usul sifatida immunofermentli tahlil (IFT yoki ELISA) reaksiyasi qo'llanildi. Reaksiyani bajarishda, avvalo, laboratoriya dagi biologik xavfsizlik qonun – qoidalarini ta'minlash bo'yicha chora-tadbirlar ko'rildi.

Tabiiy sharoitda abort bo'lgan yoki rivojlanmagan homilaning ichki parenximatoz organlaridan ajratilgan xlamidiya qo'zg'atuvchisining (*C.trachomatis*) patogenligi oq sichqonlarda o'r ganildi. Burun bo'shlig'iga bir kunlik kultura namunasidan yuborilgan va kuzatuvning 14-15-kunlari 2 bosh sichqonlarda pnevmoniya rivojlangan bo'lsa, 3 bosh oq sichqon 38 kundan so'ng nobud bo'ldi. Bir haftada qo'zg'atuvchilar tovuq embrioni zararlashi tadqiqotlar davomida kuzatildi. Xlamidiyaning yetuk morfologik tuzilishdagi mikroskopik (yorug'lik) ko'rinishida uning diametri 250-350 nm gacha bo'lgan sharsimon shaklli, qattiq hujayra devori va sitoplazmatik membrana bilan chegaralanganligi o'r ganildi. Xlamidiyani bo'yash uchun Romanovskiy-Gimsa, Machiavello, Stemp usullari bo'yicha o'r ganildi. Yorug'lik mikroskopida xlamidiyalar yorqin yashil rang berishi kuzatildi.

Qoramol va mayda shoxli hayvonlar qon zardoblarida gi xlamidiyalarga qarshi IgG- maxsus antitelolarni aniqlash bo'yicha immunofermentli tahlil (IFT yoki ELISA) Veterinariya ITI va "UNIGEN" MCHJ qo'shma korxonalari hamkorligida ishlab chiqilgan "Xlamidiya qo'zg'atuvchisiga "Xlamidiya IgG-IFA" IgG antitelolarini immunoferment bilan aniqlash uchun reagentlar to'plami" («Набор реагентов для иммуноферментного выявления IgG антител к возбудителю хламидия крупного и мелкого рогатого скота») test-tizimi yordamida bajarildi. Barcha IFT reaksiyalari test-tizim jamlanmasini ishlab chiqaruvchi tashkilotning qo'llash yo'riqnomasiga va IFT reaksiyasini o'tkazishning umumiyl qoidalariga amal qilgan holda bajarildi.

C-reaktiv oqsil miqdori birinchi tajriba guruhida me'yordan 1,55 marta yuqori ekanligi aniqlandi. II qiyosiy tajriba guruhida me'yor darajasida bo'lib, birinchi guruh II qiyosiy tajriba guruhidan 1,13 martaga yuqoriligi aniqlandi. Kasallikning surunkali holatda kechishi IgG ning o'zgarishiga qarab aniqlanganda I tajriba guruhni me'yordan 1,69 marta, II guruhdan esa 1,213 marta yuqori ekanligi aniqlandi. Ayniqsa, bu ko'rsatkichlar birinchi guruhda IgM va IgG larni yuqori darajada bo'lganligi, II guruhga nisbatan ozroq farq borligi, III guruhga nisbatan esa ancha yuqori samara sitadqiqotlar natijasida aniqlandi.

Tadqiqotlar davomida o'r ganilgan hayvonlardagi immunofon yoki xlamidioza qarshi emulgurlangan vaksina bilan emlash natijalariga ko'ra; epizotik tadbirlar meyorida olib borilgan I guruhda kerakli IgM va IgG ko'rsatkichla-

riga ega. Qiyosiy jihatdan o'r ganilgan, faqat bir marta xlamidiozga qarshi emulgurlangan vaksina bilan emlangan va nazorat guruhidagi ba'zi hayvonlarda immun tizimni muvozanatlovchi IgM va IgG immun tanachalar meyori mos ravishda  $2,19 \pm 0,143$ ;  $16 \pm 1,152$ ; qiyatlari aniqlandi. Har bir organizm uchun emlamalar natijasida hosil bo'lувчи yet antigenlarni neytrallab, ularga mos maxsus oqsil retseptorli murakkab himoya komplekslar hosil qiluvchi ko'rsatkichlar I guruhda  $0,31 \pm 0,025$ ; II qiyosiy o'r ganilgan guruh hayvonlarda  $0,275 \pm 0,015$ ; nazorat guruhida esa  $0,104 \pm 0,006$  ekanligi aniqlanildi.

Samarqand viloyatining tadqiqotlar olib borilgan chorvachilik xo'jaliklarida fevraldan may oyigacha xlamidioz 8,2 foiz, Qashqadaryo viloyati xo'jaliklarida esa 6,9 foiz xlamidioz uchrashi aniqlandi.

**Xulosalar:**

1. Serologik (KBR) va immunologik (IFT) uslublarda xlamidiozni tashxislash, har ikki holatda ham reaksiyalarni sezgir va aniqlik darajasi yuqori bo'lishiga qaramasdan immunofermentli tahlildan foydalanish qulayligi aniqlandi.
2. Samarqand va Qashqadaryo viloyatlarining ayrim naslchilikka ixtisoslashgan chorvachilik xo'jaliklarida aniqlangan xlamidioz qo'zg'atuvchisining kultural, tinktorial, morfologik (xlamidiyaning yetuk morfologik tuzilishdagi yorug'lik mikroskopik ko'rinishida uning diametri 250-350 nm gacha bo'lgan sharsimon shaklli, qattiq hujayra devori va sitoplazmatik membrana bilan chegaralanganligi o'r ganildi) va patogenlik (oq sichqonlar uchun patogenligi 10 kundan 40 kungacha) xususiyatlari o'r ganildi.

3. Xlamidiya qo'zg'atuvchisining antibiotiklarga sezuvchanligiga ko'ra oleandomitsin, doksiloks va biomitsinga sezuvchan, teliozin, oksatsilin, gentamitsin sezuvchan emas va eritromitsinga kam sezuvchan ekanligi aniqlandi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Розанов Н.И. "Микробиологическая диагностика заболеваний сельскохозяйственных животных". – Москва, Государственное издательство сельскохозяйственной литературы, 1952, 508 с.
2. Сидоров М.А., Скородумов Д.И., Федотов В.Б. "Определитель зоопатогенных микроорганизмов". – Москва, "Колос", 1995. 319 с.
3. Кисленко, В.Н. Ветеринарная микробиология и иммунология.
4. Частная микробиология // В.Н. Кисленко, Н.М. Колычев, О.С. Суворина. – М.: "Колос" С. 2007. 215 ст.
5. Промышленная технология изготовления наборов (тест-систем) для диагностики хламидиоза животных (РСК, ИФА) и ИНАН лошадей (РДП, ИФА) 2013 год, кандидат наук Тюлькова, Лариса Сергеевна.
6. Hokinson R.G., Griffiths P.C., Rankin S.E.S. Towards a differential polymerase chain reaction test for Chlamydia psittaci. Vet. Tec., 1991, 128; -s. 381-382.
7. Kaltenboeck B. Structures of and allelic diversity and relationships among the major outer membrane protein (ompL) genes of the Chlamydia species. J. Bact. 1993 V. 175.- P.478-502.

УДК: 619:636.3:576.895

**Х.Б.Юнусов, б.ф.д. профессор. Т.И.Тайлаков, в.ф.н. доцент,**  
**Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва**  
**биотехнологиялар университети**

## АЛБЕНДАЗОЛЛИ МИНЕРАЛ ТУЗЛИ ЯЛАМАНИ ЭЧКИЛАР СТРОНГИЛЯТОЗЛАРИДА СИНОВДАН ЎТКАЗИШ

### Аннотация

В статье изучено применение Албендоазолного минерально-солевого лизунца при стронгилятозе коз в течение 3 месяцев и его действие на гельминтов.

**Калит сўзлар:** Strongylata, M.marshalli, T.colubriformis, N.fillicollis, Ch.ovina, D.filaria, T.ovis, антгельминтик, ялама, гельминтсизлантириши.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Кавшовчи ҳайвонларнинг хазм органларида Strongylata кенжак туркумига мансуб тўртта оила вакиллари паразитлик қилиб турли касалликларни содир этади. Бу кенжак туркумга мансуб стронгилятларнинг паразитлик қилиш жойлари, ривожланиш босқичлари, эпизоотологияси, патогенези ва ушбу қўзғатувчилар томонидан содир этиладиган касалликларни клиник кечиши ҳамда даволаш ва олдини олиш чоратадбирларида бир-бирига ўхшашлик мавжуд [1,2].

Кейинги йилларда эчкилар орасида стронгилятоз касалликлар сезиларли даражада ўсганлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Стронгилятоз касалликлари республикализминг барча минтақаларида кенг тарқалган, кўпроқ ёш улоқлар орасида йил давомида учрайди.

Стронгилята кенжак туркумига кирувчи қўзғатувчиларнинг барчаси геогельминт бўлиб, ривожланишида оралиқ ва қўшимча хўжайнилар иштирок этмайди, яъни тўғридан-тўғри ривожланади. Ошқазон-ичак стронгилятозларидан трихостронгилидозлар (гемонхоз, остертагиоз, нематодиоз, трихостронгилёз, маршаллагиоз, коопериоз ва бошқалари) кўпроқ учрайди. Стронгилятоз касалликлар республикализминг барча минтақаларида кенг тарқалган, кўпроқ ёш моллар орасида йил давомида учрайди. Стронгилятозлар тарқалишининг мавсумийлиги турли ҳудудларда учраши ва ҳайвонларнинг ёшига боғлиқлиги каби кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга. [1,3,4,].

Стронгилятоз касалликларининг олдини олиш максадида ўтказиладиган гельминтсизлантириш тадбирлари ҳудуд шароитини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ёш улоқлар икки марта – октябрь ва январь ойларида гельминтсизлантирилса, катта ёшдаги эчкилар орасида бу тадбир январь ва июнь ойларида ўтказилади. Сугориладиган зоналарда ёш моллар январь ойида ёки февралнинг бошларида гельминтсизлантирилиб, катта ёшдагилари эса куз фас-

### Annotation

The article studied the use of Albendozol mineral salt lick in goats strongylosis for 3 months and its effect on helminths.

**Калит сўзлар:** Strongylata, M.marshalli, T.colubriformis, N.fillicollis, Ch.ovina, D.filaria, T.ovis, антгельминтик, ялама, гельминтсизлантириши.

лида, яъни отар яловдан қайтгандан сўнг гельминтсизлантирилади. Улар орасида (асосан нимжон эчкиларда) иккиламчи танлаб ўтказиладиган гельминтсизлантириш тадбирларини туғиш мавсумидан кейинги даврга режалаштириш лозим [1,5,6].

**Тадқиқот обьекти ва услублари.** Тажрибалар Кўшработ туманидаги “Оқтоғ боғлари” чорва фермер хўжалигида амалга оширилди. Табиий шароитда гельминтлар билан заарланган 20 бош эчкилар ажратиб олиниб, “Ўхшаш жуфтликлар” тамойили қоидаларига кўра 2 гурухга бўлинди. Биринчи гуруҳдаги эчкилар тажриба гурухи ҳисобланиб, бу гурухга албендоазолли минерал тузли яламадан 3 ой давомида берилди. Иккинчи гуруҳдаги эчкилар назоратда бўлиб, кунлик рацион асосида озиқлантириб борилди.

Албендоазолли минерал тузли яламани тайёрлаш тартиби қўйидагича: 70 кг ош тузи бир текисда ёйлади. Унинг устига ун каби майдаланган 28 кг гилмоя (бентонит) сепиб чиқилади, сўнгра улар устига 2 кг албендоазол аста-секинлик билан қўшиб борилади, уларнинг барчаси яхшилаб аралаштириб сув билан намланади. Махсус пресс аппаратда фишт ҳолатига келтирилади, бир кун давомида хона ҳароратида куритилади.

Тажриба ўтказишдан олдин тадқиқот давомида ва якунида эчкиларнинг тирик вазни ўлчаб борилди ҳамда килиник кўриқдан ўтказилиб гематологик текширув учун қон олинниб, умумий қабул қилинган усууллар ёрдамида текширилди. Тажриба якунида ҳар гуруҳдан 5 бошдан эчки сўйилиб, ички органлари “Паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиш” кафедраси қошидаги Зоопаразитология лабораториясида тўлиқ гельминтологик текширувдан ўтказилди.

**Тадқиқот натижалари.** Албендоазолли минерал тузли яламадан эчкилар дастлабки кунларда 6-8 г истеъмол қилган бўлса 5-6 кунлардан 9-11 граммдан истеъмол қилди.

**1-жадвал.**

Тажрибадаги эчкиларнинг тирик вазнидаги ўзгаршишлар

Гурухлар	Бош сони	Тирик вазни		
		Тажриба бошида	Тажриба ўртасида	Тажриба охрида
I тажриба гурухи	10 бош	21,3	22,9	24,6
Назорат гурухи	10 бош	21,2	21,3	21,4

2 -жадвал.

**Тажрибадаги эчкиларнинг гематологик кўрсаткичлар**

Текшириш вақти	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Тажриба гурухи	Назорат гурухи
Тажриба бошида	Эритроцит Лейкоцит Гемоглобин РОЭ 15 дакика 30 дакика 60 дакика	млн/мкл минг/мкл г/л мм мм мм	4,8 7,5 95 0,2 0,4 0,5	4,92 7,6 96 0,15 0,3 0,7
Тажриба ўртасида	Эритроцит Лейкоцит Гемоглобин РОЭ 15 дакика 30 дакика 60 дакика	млн/мкл минг/мкл г/л мм мм мм	5,4 7,8 97 0,15 0,3 0,5	4,8 7,8 92 0,2 0,4 0,6
Тажриба охирида	Эритроцит Лейкоцит Гемоглобин РОЭ 15 дакика 30 дакика 60 дакика	млн/мкл минг/мкл г/л мм мм мм	5,2 7,6 98 0,15 0,2 0,4	4,7 7,5 93 0,2 0,4 0,5

3-жадвал.

**Тўлиқ гельминтологик текшириши натижаси (n=5)**

Гурухлар	Топилган гельминтлар сони	Ўртacha бош сонига	<i>M.marshalli</i>	<i>T.co-lubriformis</i>	<i>N.filli-collis</i>	<i>Ch. ovi-na,</i>	<i>D filaria</i>	<i>T. ovis.</i>
Тажриба гурухи	14	2,8	-	-	-	-	-	$2,8 \pm 0.88$
Назорат гурухи	4172	834,4	$114.4 \pm 3,1$	$26.8 \pm 3,86$	$221.4 \pm 10,6$	$8 \pm 1,18$	$235.6 \pm 6,38$	$228.2 \pm 9,5$

Тажрибадаги эчкиларнинг тирик вазнини ўлчаш на-тижалари 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, тажриба давомида албендазолли минерал тузли ялама истеъмол қиласан эчкиларнинг тана оғирлиги тажрибанинг биринчи кунида ўртача 21,3 кг ни ташкил этган бўлса, тажриба охирида 24,6 кг ни ташкил этди. Назорат гуруҳидаги эчкиларда тажриба бошида 21,2 кг ни, тажриба охирида 21,4 кг эканлиги аниқланди. Тажриба гуруҳидаги эчкиларнинг тана оғирлиги назорат гурухи эчкиларига нисбатан 3,2 кг га кўп эканлиги қайд этилди.

Тажрибадаги эчкилардан қон олиб текшириш натижалари 2-жадвалда келтирилди.

Қонни гематологик текширганимизда, тажриба ва назорат гуруҳлари орасида ҳеч қандай фарқ сезилмади, яъни тажриба ва назорат гуруҳидаги эчкиларда эритроцит, лейкоцит, гемоглобин ва РОЭ кўрсаткичлари бир-бирига яқинлиги қайд этилди.

Тадқиқот гуруҳидаги эчкиларнинг ички органлари тўлиқ гельминтологик текширув натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики 1-гуруҳ эчкиларида жами 14 нусха трихоцефалалар топилди, ўрта хисобда 2,8 нусхадан тушди. Назорат гуруҳидаги эчкиларда жами 4172 нусха паразитлар топилиб, ўрта хисобда 834,4 нусха миқдорида тушди. Шундан маршаллагиялар ўртача  $114.4 \pm 3,1$  нусха, трихостронгилуслар ўртача  $26.8 \pm 3,86$  нусха, немотодибуслар ўртача  $221.4 \pm 10,6$  нусха, хабер-

тиялар ўртача  $8 \pm 1,18$  нусха, диктиоқаулалар  $235.6 \pm 6,38$  нусха, трихоцефалалар ўртача  $228.2 \pm 9,5$  нусхада топилди.

**Хуроса.** Албендазолли минерал тузли ялама эчкиларга 3 ой давомида бериш стронгилятозларни даволаш ва олдини олишда юкори самара бериб, стронгилятозларни инвазион личинкалари ва улардан шакилланадиган ёш паразитларга ўлдирувчи таъсир этиб, стронгилятозларга таъсир этиш смарадорлиги 97 % ни ташкил этди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

- Иргашев И.Х. Гельминтозы мелкого рогатого скота в условиях Узбекистана. //Автореф.док.дисс... М. 1963. – 24 с.
- Тайлоқов Т.И. Стронгилятозларга қарши курашиб услалирини такомиллаштириш. // Автореф.канд.дисс., – Самарқанд, 1998. -21с.
- Иргашев И. Х. Тайлоқов Т.И. Антгельминтикли минерал тузли яламани кўллаш. Проблемы биологии и медицины. – Самарқанд 1998. №3. с.108-111.
- Тайлоқов Т.И. Чорвачиликда антгельминтикли минерал тузли яламани кўллаш. Сборник науч. Трудов молодых учених и специалистов СамСХИ. – Самарқанд. 1998.с. 58-бет.
- Тайлаков Т.И. Ҳақбердиев П.С. Антгельминтикли минерал тузли ялама кавшовчи ҳайвонларнинг стронгилятозларига қарши юкори самарали восита. “Зооветеринария”. – Тошкент. 2009 С. 23.
- Тайлаков Т.И. Ҳақбердиев П.С. Кавшовчи ҳайвонларнинг стронгилятозларига қарши кураш. “Зооветеринария”. – Тошкент. 2009 №2 С.18.

Ахмедов Суннат Мухитдинович,  
мустақил тадқиқотчи, асистент,  
Даминов Асадулло Сувонович, в.ф.д., профессор,  
Кулиев Боходир Амридинович, в.ф.н., доцент,  
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва  
биотехнологиялар университети

## ҚҮЙЛАР ПАРАМФИСТОМАТОЗИДА ИЧКИ ОРГАНЛАРДАГИ ПАТАНАТОМИК ЎЗГАРИШЛАР

### Аннотация

*В научной статье представлены результаты исследований патологоанатомические изменения внутренних органах при парамфистоматозе овец, а также описывается распространенность и интенсивность инвазии.*

**Калит сўзлар:** копрологик, спонтан, атрофия, диарея, гиперплазия, гиперкератоз, зардобли, катарал, некроз, гиперемия, дистрофия, ретикулит, перикардит, қон қуюлиши.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ичидаги инвазион касалликлардан парамфистоматоз, фасциолёз ва дикроцелиоз кенг тарқалган. Ушбу касалликлар ҳайвонлар организмида оғир патологик ўзгаришлар чақириб, кўп ҳолларда уларнинг ўлимига сабаб бўлади. Парамфистоматоз кейинги пайтларда йирик ва майдага шохли ҳайвонлар орасида кенг тарқалиб бормоқда. Адабиётларда қўйлар парамфистомозининг эпизоотологияси ва патанатомияси ҳақида маълумотлар жуда кам. Йирик шохли ҳайвонларда касалликнинг эпизоотологияси, клиник белгилари, даволаш, олдини олиш тадбирлари бўйича илмий манбалар мавжуд [1;2;3;4;5].

Қўйларда бу касалликнинг патанатомияси умуман ўрганилмаган, ваҳоланки қўйлар орасида ушбу касаллик бутунги кунда кенг тарқалиб бормоқда.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Самарқанд вилоятининг Ургут, Тойлоқ, Оқдарё ва Пайариқ туманлари фермер ва шахсий хўжаликларида қўйлар орасида кенг тарқалиб бораётган гельминтозлардан бири парамфистоматознинг эпизоотологияси ва патанатомиясини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот материаллари ва услублари.** Илмий тадқиқот ишлари СамДВМЧБУ, Ҳайвонлар анатомияси, гистология ва патологик анатомия кафедрасининг лабораториясида бажарилди. Текширишлар парамфистоматоз билан спонтан заарланган қўйларнинг ички органларида олиб борилди. Асосий йўналиш касалликдан ўлган қўйлар ва касалланган ҳамда мажбурий сўйилган қўйлар органларини патанатомик текширишдан иборат бўлди, яъни касалланган органларда кечадиган патанатомик ўзгаришлар ўрганилди. Вилоятнинг бир неча туманларидаги фермер ва шахсий хўжаликлари шароитида парамфистоматоздан ўлган, касалланган ва мажбурий сўйилган қўйлардан олинган патматериалларни ўргандик. Катта қориндан етилган личинкалар билан биргаликда намуналар – бўлакчалар кесиб олиниб, формалин суюқлигига солинди. Табиий касалланган

### Summary

*The scientific article presents the results of studies of pathoanatomic changes in internal organs of paramphistomatosis of sheep, it also describes the extent and intensity of the invasion.*

қўйлардан олинган намуналарни текширишда копрологик ва патанатомик усууллардан фойдаланилди. Катта қорин, тўр қорин, қатқорин, ширдон ва 12 бармоқ ичакдан парамфистом кўзғатувчилари ажратиб олиниб, 3 % ли формалин суюқлигига сақладик. Ички органлар патанатомик усуулларда ўрганилди.

**Тадқиқот натижалари.** Парамфистомоз билан касалланган ва касалликдан ўлган қўйларнинг дастлаб гавдасининг ташки кўринишини текширувдан ўтказдик.

Гавданинг ташки кўриниши – жунлар хурпайган, тери қуруқ, эластиклик сақланмаган, бурун тешиги хўл, шилимшик оқма бор, оғиз шиллиқ қаватлари ва милклати оқимтири кул рангда, кўзлари чўйкан, шиллиқ қаватлар оч-қизгиш рангда, кулоқ тешиклари бўш, қуруқ, орка чиқарув тешигига суюқшилимшик оқмалар мавжуд, атрофидаги жунлар ифлосланган. Парамфистоматоздан ўлган қўйлар гавдасида қуйидаги патанатомик ўзгаришлар аниқланди, гавдада кескин ориклиш, тери ости клечаткаси, мускуллари ва ёғ қатламининг атрофияси, умуртқа поғонасининг қийшайганлиги, шиллиқ қаватларнинг оқарганлиги (анемия), диарея, баъзи қўйларда пастки жағ остида ва кўкрагида шишлар аниқланди. Кўкрак ва қорин бўшликларида 1,5-3 литр сувсимон, ялтироқ, оч-қизил рангдаги суюқлик тўпланган.

Тери ости клечаткаси – қуруқ, ёғ депоси атрофия ҳолатида, томирларда гиперемия, қисман қон сизилиб чиқкан. Лимфа тугунлари катталашган, кесилган юза хўл, оч кулрангда.

Ўпка – қисман диаграфгама ва ўрта бўлаклари шишиган, консистенцияси зичрок,



1-расм. Қўй гавдасидан эвицирасия усуулда ички органларни ажратиб олиш



**2-расм. Талоқни  
макроскопик усулда  
текшириш**

кирралари ўтмаслашган, ранги түк кизғишида, кесилгандар юзадан зардобли шилимшиқ суюқлик оқади.

Жигар – юзаси сарғишиң күнгир рангда, хажми катталашган, қирралари ўтмаслашган, кесилгандар юза нотекис, донадор оқсил дистрофияси, консистенцияси зичлашган, ўт пұфаги шишиштан, чўзилувчан сарғиши рангдаги ўт суюқлиги билан тұлған, веноз гиперемия ривожланған.

Талоқ – қаттық консистенциялы, буришган, қуруқ, касал қўйларда унинг юзаси кулранг, кесилгандар юзаси эса кўнгир-қизил рангда, гиперплазия ҳолатида.

Буйраклар – консистенцияси қаттық, оқимтири, хажми катталашган, қобиғи енгил ажралади, орган атрофида ёғ йўқ, ёғ ўрнини дирилдоқсимон инфильтрат қоплаган.

Юрак – мускул толалари шишиштан, миокардда донадор оқсил дистрофияси, қон томирлар қонга тұлған (гиперемия) ва кенгайған ҳолатда. Юрак перикарди остида 300-500 мл ялтироқ оч қизил зардобли суюқлик тўпланған, юрак кенгайған, ўнг қоринчанинг мускуллари чап қоринчага нисбатан 1:3 нисбатда йўғонлашган. Эпикард остида майда нуктасимон ва дөгсимион қон қуюлишлар (петехиялар) кўринади, эндокарддаги клапанлар атрофида қон томирлар гиперемияси, ёғ тўқимасининг атрофияси, унинг ўрнида дирилдоқсимон инфильтрат ҳосил бўлған.

Каттақорин – турли микдордаги трематодлар катта қорин микросўргичларига маҳкам ёпишиб қолған, шиллик қаватлар механик жароҳатланған, қорин девори юпқалашган, қон томирлар қонсизланған.

Тўрқорин – озиқа массаси билан тұлған, озиқа суюқ бўтқасимон консистенциялы, шиллик қаватлари шишиштан, қисман кўчади, томирлар қонга тұлған.



**3-расм. Каттақорин ва  
тўрқорин шиллик  
қаватларини макроскопик  
текшириш**

Қаттақорин – шилимшиқ суюқлик билан аралашган озиқа массаси тўпланған, шиллик қаватларида бе-үхшов қизил дөглар ҳосил бўлған, қон томирлар кенгайған.

Касалликниң сурункали шаклида катта ва тўр қоринда асосий характерли ўзгаришлар аниқланди, вояга етган

парамфистом гельминтлари катта ва тўр қорин шиллик қаватларига ёпишиб турибди, бутун шиллик қаватда бирбирига яқин жойлашган 4-12 мм узунликдаги паразитлар қорин шиллик қаватига осилиб турибди. Қаттиқ ёпишмаган паразитни енгил ажратиш мумкин. Катта ва тўр қорин шиллик қаватида гиперкератоз, склероз, сўрғичлар атрофияси, шиллик қават юпқалашган, шиллик қаватларда 500-786 нусха паразитлар аниқланди.

12 бармоқ ичак – шиллик қаватлари шишиштан, зардобли-катарал яллигланиш, ичак озиқасида ва шиллик қаватлар юзасида шилимшиқ масса, бурмалар ҳосил бўлған, майдада нуктасимон қон қуюлишлар бор.

Лимфа тугунлари – қисман катталашган, юзаси нотекис, консистенцияси кучсиз зичлашган, кесилгандар зардоб суюқлиги тўпланған.

Инвазиянинг экстенсивлиги турли худудлардаги фермер хўжаликларида турлича. Бу ҳолат фермер хўжаликларида 5 % дан 48 %, айрим худудларда эса 30 % дан 80 % гача ташкил этди.

### **Хулосалар**

1. Парамфистоматоз билан касалланган қўйларда кескин ориқлаш, скелет мускул тўқималарининг атрофияси, шиллик қаватларнинг оқарганлиги характерлидир.

2. Сурункали парамфистоматозда қўйларнинг паренхиматоз органларида дистрофия ва қон томирларида гиперемия ривожланиши билан тавсифланади.

3. Қўйлар парамфистоматозида энг характерли патантомик ўзгаришлар каттақорин ва тўрқоринлар деворида кузатилиб, атрофия, некроз, ичакларда мукоид ва фибринOID дистрофия, гиперплазия, гиперкератоз, склероз ривожланиши билан тавсифланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бибик О.И. Морфофункциональная характеристика органов и тканей паразита и хозяина при трематодозах после химиотерапии антигельминтиками. //Диссертация докт.биол.наук. – Москва, 2012. – С. -308-311.

2. Буканов А.М. Патоморфологические изменения в органах пищеварения крупного рогатого скота и овец при парамфистомозе // дисс.кан.вет.наук. УФА 1999. – С. 48-63.

3. Василева Е.А. Эпизоотология трематодозов крупного рогатого скота и совершенствование системы противотрематодных мероприятий в Республике Алтай. //Автореферат. Диссертации канд.вет.наук. – Тюмень, 2010. – С. 17-19.

4. Даминов А.С. Республикалинг турли биогеоценозларида қорамоллар трематодозларининг эпизоотологик ва иммунологик хусусиятлари. //Докторлик диссертацияси. – Самарқанд 2016. – С. 167-200.

5. Шемякова С.А. Трематодозы крупного рогатого скота (эпизоотология, патогенез, диагностика) и меры борьбы с ними в центральном регионе Российской Федерации. //Автореферат. Диссертации докт.вет.наук. – Москва, 2018. – С. 35-39.

УДК:619:616.9:576.8

**Жавхаров Ойбек Зулфикович, к.х.ф.ф.д.(PhD),  
Юлчиев Тўлқинжон Камолович, ўқитувчиси  
Жўрабоев Қаҳрамон Илхомжон ўғли, талаба,  
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти**

## БАЛИҚЛАРНИНГ ИХТИОБОДОЗ (КОСТИОЗ) КАСАЛЛИГИНИНГ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

### Аннотация

Лечение болезней рыб является одним из важнейших мероприятий в рыболовства.

В рамках этой области разрабатываются и внедряются в практику меры по лечению и профилактике различных заболеваний, возникающих у рыб.

В результате лечения снижаются показатели гибели рыбы из-за болезни и предотвращается большой экономический ущерб, который может возникнуть на рыбоводных фермах. Работа по лечению болезней рыб в настоящее время достаточно продвинулась вперед.

В этой статье будет рассказано об одноклеточных паразитах, обнаруженных на рыбоводных фермах, вызванных болезнью ихтиободоз (костиоз), возбудителем болезни, ее клинических симптомах, распространении, ущербе, причиняемом болезнью рыбоводным фермам, новых методах лечения болезни и мерах по ее предотвращению.

**Калим сўзлар:**ихтиободоз,костиоз,инфузория, хивчинлилар, бир ҳужайрали паразитлар, циста, протозой касалликлар, саркодалилар, споралилар, инвазия, пунктол, костапур, ФМЦ, фуразолидон, малахит яшили, метилен кўку.

**Мавзунинг долзарбилиги.** Балиқ касалликларини даволаш – балиқчиликда энг муҳим тадбирлардан бири хисобланади. Бу соҳа орқали балиқларда учрайдиган турли хилдаги касалликларни даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади ва амалиётта татбик қилинади. Даволаш натижасида балиқларни касаллик туфайли нобуд бўлиш кўрсаткичлари камаяди ва балиқ етиширувчи хўжаликларда содир бўлиши мумкин бўлган катта иктисодий заарнинг олди олинади. Балиқ касалликларини даволаш ишлари ҳозирда анча ривожланиб бормоқда.

**Тадқиқот материаллар ва услублари.** Балиқларнинг юқумли, инвазион ва бошқа турдаги касалликлари жуда кўп учрайдиган касалликлар бўлиб, шундан бир ҳужайрали паразитлар (патоген организмлар)га мансуб балиқларнинг 500 дан ортиқ касалликлари мавжуд. Бу касаллик қўзгатувчилари чучук сув ҳавзаларида урчитилаётган балиқлар организмида паразитлик килишга мослашган ҳолда оғир кўринишда кечади ва балиқларнинг оммавий нобуд бўлишига сабаб бўлади.

Балиқларнинг протозой касалликларини бир ҳужайрали содда ҳайвонлар келтириб чиқаради. Протозой касаллигининг қўзгатувчилари – саркодалилар, хивчинлилар, споралилар, микроспоралилар ва инфузориялар хисобланади.

Бир ҳужайрали ҳайвонлар “Протозоалар” атамаси билан юритилиб, улар келтириб чиқарадиган касалликлар протозойлар деб аталади. Бир ҳужайралилар кенжэ дунёсига мансуб бўлган ҳайвонларнинг танаси ягона ҳужайрадан ёки бир-бирига ўхшаш тузилган ҳужайралар тўпламидан иборат. Бир ҳужайралилар мустақил ҳаёт кечира оладиган организмлар бўлиб, уларда модда алмашиниш, ҳаракатланиш, таъсируланиш, кўпайиш ва тирик организмлар учун хос бўлган барча хусусиятлар мавжуд. Бундай функцияларни ҳужайрадаги маҳсус органоидлар (органеллалар) бажаради. Бир ҳужайралилар сохта оёқлар, хивчинилар ва киприкчалар ёрдамида ҳаракатланади. Нафас олиш тана юзаси орқали амалга оширилади.

### Summary

Treatment of fish diseases is one of the most important areas of fishing. Within the framework of this area, measures for the treatment and prevention of various diseases occurring in fish are being developed and put into practice.

As a result of treatment, the rates of fish death due to the disease are reduced and the great economic damage that can occur on fish farms is prevented. Work on the treatment of fish diseases has now progressed sufficiently.

This article will tell about single-celled parasites found on fish farms caused by ichthyobodosis disease (costiosis), the causative agent of the disease, its clinical symptoms, spread, damage caused by the disease to fish farms, new methods of treating the disease and measures to prevent it.

Бир ҳужайрали ҳайвонларнинг 70 мингдан ортиқ турлари маълум бўлиб, улар саркомастигофоралар, споралилар, миксоспоридиялар ва инфузориялар типларига бўлинади. Балиқларнинг протозой касалликларига ихтиофтириоз, хилодонеллез, криптобиоз, костиоз, триходиноз, коксидиоз, микроспорадиоз каби касалликларкиради.

Ихтиободоз (костиоз) – балиқларнинг бир ҳужайрали паразитлар келтириб чиқарадиган инвазион касаллиги бўлиб, балиқлар танасининг териси устида кўплаб кулранг доголарнинг пайдо бўлиши, шилимшиқ модда билан жабра ҳамда сузгич қанотларининг заарланиши, яллигланган тўқималарнинг некрозга учраши – ёмирилиши билан характерланади. Касалликка, асосан, ёш балиқлар мойил бўлиб, айрим ҳолатларда катта ўшдаги балиқларда ҳам касалланиш ҳолатлари кузатилган. Касаллик Шаркий ва Фарбий Европа, Шимолий Америка, Хитой, Украина ва Россиянинг марказий вилоятларида кайд этилган. Касаллик хорижий адабиётларда Costiosis, ёки Ichthyobodosis деб юритилади. Касаллик бизнинг ҳудудларда кайд этилмаган бўлса-да, унинг хавфи доимо сакланиб туради.

Қўзгатувчиси – Ichthyobodo necator (Costia necatrix) паразити хивчинлилар типига мансуб бўлиб, Kinetoplastidea синфининг Bodonina кенжэ туркумидаги Bodonidae оиласига мансуб Ichthyobodo авлодининфузорияси хисобланади. Қўзгатувчининг тана узунлиги 5-20 мкм, эни 2,5-10 мкм. ни ташкил этади. Унинг қорин томондан шакли овалсимон ёки буйраксимон, олдинги томони зичлашган, танаси цитоплазма, кичкина ўзак ва иккита кисқарувчи вакуоллардан иборат. Иккита хивчини бор. Паразит шиллиқ модда, тери ва жабранинг некроз туфайли ажралган эпителиял ҳужайраси билан озиқланади.

Ichthyobodo necator (Costia necatrix) жуда майдо организм бўлиб, микроскопда катталаштириб кўрилганда кўриниши мумкин. Мавжуд иккита хивчинлари ёрдамида паразит балиқларнинг жабра япроқчаларига ёки терисига ёпишади. Балиқларнинг танасига ва жабрасига хивчин

чукур кириб бориб, ёпишиб олади. Бўлиниш усули билан кўпаяди. Нокулай шароитда сув ҳарорати совуганда циста ҳосил қиласи. Циста қалин қобиқдан иборат бўлиб, нокулай мухит шароитига анча чидамли бўлади. Улар патоген эмас, лекин узоқ муддат жароҳат обьекти бўлиб қолади.

Хивчинли инфузориялар асосан карпсимонлар, лососимонлар ва бошқа балиқларнинг ёш авлодларида паразитлик қиласи. Бу касалликка нисбатан катта балиқларда табиий иммунитет ҳосил бўлади. Костия инфузорияси балиқларда фақат циста шаклида учрайди. Костия балиқларга йилнинг ёз пайтида кўпроқ зарар етказади. Унинг зарари фақат нерест (урчиши) ўтадиган ҳовузларда якъол кўзга ташланади. Костия балиқларни қишиш пайтида, айниқса сув мухити ( $pH\ 5.0-5.5$ ) паст кўрсатгичга эга бўлганда ҳам нобуд килиши мумкин.

Костия касаллигининг қишиши формаси асосан балиқларни қишилаш ҳовузларида қайд қилинган. Инфузорияларнинг бу тури қиши фаслида сув ҳарорати  $5-7^{\circ}C$  бўлганда кўпайиш хусусиятига эга.

**Эпизоотология.** Ихтиободоз (костиоз) касаллиги кўзгатувчиси табиатда кенг тарқалган бўлиб, барча сувхавзаларидаги балиқларда учрайди. Бироқ касалликнинг эпизоотия ва энзоотия кўриниши табиий сув ҳавзаларидаги балиқлар орасида қайд этилмаган, дарё ва кўллардаги балиқлар инвазия манбаи ва табиатда резервуари бўлиб хизмат қиласи. Касаллик билан чучук сув ҳавзаларидаги барча турдаги ёш балиқлар касалланиши мумкин, жумладан, ярим ўтубвичи балиқлар ҳам.

Касалликнинг эпизоотия кўриниши, асосан, баҳор ва ёзда балиқ икралари (уруглари) мавжуд сув ҳавзаларida ва балиқчилик заводларida, сувнинг ҳарорати  $+16+25^{\circ}C$  бўлганида кузатилади. Бундай шароитда паразитларнинг ривожланиши учун қулай мухит вужудга келади. Соғлом балиқлар касаллари билан алоқада бўлганида касалликка чалинади ҳамда кўзгатувчилар мавжуд бўлган сув ҳавзаларida сақланганда заарланади.

Костийларнинг цисталари катта ёшдаги балиқларнинг шилликларида кўп муддат давомида сакланиб қолади ҳамда нам тупроқда, ҳовузларнинг лойқаларida анча муддат сақланади, агарда сув билан тўлдирилса, паразитларнинг ҳаракати фаоллашиб, балиқларнинг заарланишига олиб келади. Балиқларнинг қишида касалланиши асосан сув ҳавзаларida балиқлар жуда ҳам зич сақланганда, сув ҳарорати  $2-7^{\circ}C$  бўлганида кузатилади.

Гулмоҳи туридаги балиқлар ўстирувчи хўжаликларда костия билан заарланиш асосан балиқлар ҳом фаршлар билан озиқлантирилганда кузатилади. Бир сув ҳавзаларидан иккинчисига кўзгатувчилар касал балиқлар ташиш натижасида ёки сув орқали ташиб келтирилади.

Костиоз касаллигининг ривожланишида балиқ организмининг физиологик ҳолати ҳам катта аҳамиятга эга. Костия балиқларнинг ҳар хил турларида, масалан карпларда, лососларда ҳатто аквариум балиқларида ҳам паразитлик қиласи. Костия инфузорияси сув ҳарорати  $25-28^{\circ}C$  бўлганда яхши ривожланади,  $28^{\circ}C$  ҳароратда балиқ терисининг  $1\text{cm}^3$  жойи-

да бир неча 10 мингдан ортиқ костиянинг хивчинли босқичи (стадияси)ни кўриш мумкин.

Костия жуда тез кўпаяди. Масалан, сув ҳавзасида карпларнинг терисида дастлабки костиянинг битта нусхаси учраса, бир неча кундан кейин барча балиқларнинг костия билан заарланганини кўриш мумкин. Балиқларнинг семизлик даражаси қанчалик паст бўлса, касаллик оғир ва аксинча, семиз бўлса анча енгил ўтади. Костияларнинг кўпайиши ва касалликнинг ривожланишида ишкорли мухит ( $pH\ 5.0-5.5$ дан юқори бўлмаса), гидрологик, гидрокимёвий, газ алмашинув режими ҳамда зоогигиеник шароитларнинг ёмонлашуви ҳам кулай имконият яратади.

**Касалликнинг клиник белгилари.** Костиялар балиқларнинг терисида ва жабрасида паразитлик қилиши оқибатида эпителиал хужайраларнинг кучли қичиши ва эмирилишига олиб келади, натижада кўплаб микдорда шиллиқ модда ажралади. Балиқларнинг танасида дастлаб кўримсиз кулранг доғлар пайдо бўлади, кейинчалик патологик жараённинг прогрессив ривожланиши оқибатида бу доғлар бирлашиб, бир-бирига кўшилиб, бутун танани қамраб олади. Заарланган танасининг айрим қисмларида некроз пайдо бўлади, бу жойлардан патоген микрофлоралар ва паразит замбуруғлар кириб олиши ва ривожланиши натижасида патологик жараён янга ҳам чукурлашади. Қон қуиши кузатилади, сўргич аппаратининг айрим жойлари емирилади ва парчаланади, тўкилади, жабра анемия оқибатида оқиш тусда, шиллиқ билан қопланган, шиллиқ моддаларнинг тери ва жабра эпителииси хужайрасида кучайиши туфайли нафас олиш ва газ алмашинуви бузилган бўлади. Касал балиқлар сув оқимида ёки сувнинг юзасига тўпланади, кислород ва ҳавони кўпроқ ютишга уринади, ташки мухит таасуротларига эътибор қилмайди ва касаллик балиқларнинг нобуд бўлиши билан якунланади. Костиозда балиқларнинг нобуд бўлиши 95-97% ни ташкил этади.

**Диагноз.** Касалликка ташхис эпизоотологик маълумотлар, клиник белгилар ва шиллиқ моддаларни микроскопик текширишлар асосида кўйилади. Агарда микроскопнинг ҳар бир кўриш майдончасида камида 10-15 дона паразит топилса, костиоз деб ташхис кўйилади, 1-2 дона паразит топилса, якунловчи ташхис бўла олмаса-да, бироқ кулай шароит түғилганида паразитлар тезда кўпайиб, балиқлар ҳаётин учун хавф туғдиради.

Диккат билан микроскопик текширувдан балиқ жабраси ва терисидан ажралган шилликларни кузатгандан кейин диагноз кўйилади. Шиллиқ модда ичида кўп сондаги костияларни кўриш мумкин. Чунки, худди шунга ўхшаш кўккумушранг шиллиқ масса хилодонеллез, триходиноз, гиродактилез ва бошқа касаликларда ҳам пайдо бўлади.

**Давола什, олдини олиш ва қарши курашиш тадбирлари.** Касалликни даволаш ванна усулида амалга оширилади. Бунда ёш балиқларни 1-2 % ли ош тузи эритмасида 15-20 дақика давомида саклаб туриш, формалдегиднинг 1:4000 нисбатидаги эритмасида бир соат давомида ушлаб туриш яхши самара беради. Катта ёшдаги балиқларни ош тузининг 5 % ли эритмасида 5 дақиқа экспозиция килинади. Қишида

ишлатиладиган бассейнларда эса эркин хлор 0,5-1,0 мг/л. дозада 30-50 дақиқа сақлаб туриш тавсия этилади. Касалликтин олдини олиш ва қарши курашишда балиқчилик мелиоратив, ветеринария-санитария ва даволаш тадбирларини мунтазам рационал олиб бориш яхши самара беради.

Мутаҳассислар томонидан олиб борилган изланишлар натижасида ҳозирда касалликни янгича даволаш усуллари амалда ижобий натижаларни бермоқда. Хусусан, пункттол (punktol) ва костапур (costapur) препаратларини қўлланилиши касалликни даволаш самарадорлигини оширмоқда. Бундан ташкири ФМЦ аралашмаси (формалин, малахит яшили ва метилен кўки) билан фуразолидонни (1 мл ФМЦ + 0,5 грамм фуразолидон) қўллашнинг икки схемадаги усули:

1) 1-куни 100 л сувга 1 мл препарат, 3-куни аквариумдаги сувни 30-40 %ни алмаштириш ва яна 1 мл препарат кўйиш. Шу тартибда 5 кун даволаш ишлари олиб борилади. Касалликни дастлабки вақтларида 1 марта, анча кучайган даврида эса 2-3 марта даволаш олиб борилади.

2) 1-куни 100 л сувга 1 мл, 2-куни 0,5 мл, 3-куни 0,25 мл ФМЦ қўшиш, сувни 5-куни тўлик алмаштириш йўли билан даволанади.

ФМЦнинг таркиби: 0,5 л формалин, 1,75 гр малахит яшили ва 1,75 гр метилен кўкидан иборат. Сувдаги ФМЦни йўқотиш учун фаоллаштирилган кўмир ёки цеолит қўлланилади.

УДК: 619:636.3

Ёш баликларни ўстирувчи сув ҳавзаларида уларнинг ўсиши ва ривожланиши учун оптимал шароитни яратиш, она балиқлар сақловчи сув ҳавзаларининг зоогигиеник шароитини яхшилаш, ташки муҳитда ва балиқ танасида паразитларни йўқотишни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Заарланган ҳавзаларда балиқларни овлаб бўлгач сўндирилмаган оҳак (25 кг/га) билан дезинфекция қилинади.

**Хулоса.** Балиқларнинг ихтиободоз (костиоз) касаллигини даволашда ош тузи, формальдегид, хлорли препаратларининг тегишли эритмалари билан ванна усулини қўллаш, пункттол (punktol) ва костапур (costapur) препаратлари билан даволаш ҳамда ФМЦ аралашмаси билан 2 схемали усууда даволаш кутилган натижаларни беради. Ёш балиқларнинг протозой касалликларни олдини олишда балиқчилик мелиоратив, ветеринария-санитария ва даволаш тадбирларини мунтазам рационал олиб бориш яхши самара беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Ф.Е.Сафарова, Д.А.Азимов, Ф.Д.Акрамова, Э.Б.Шакарбоев, Б.А.Қаҳрамонов. Балиқ касалликлари.– Тошкент, 2020. 90 бет.
- Д.Холмирзаев, Р.С.Ҳақбердиев, Д.Р.Шоҳимардонов, Э.С.Шаптақов Балиқчилик асослари. Ўкув қўлланма. Тошкент, 2016. 202-204 бет.
- Интернет маълумотлари

Аликулов Зоҳид Инадулла ўғли, таянч докторант,  
Аминжонов Шерзод Мирабосович, в.ф.д., илмий раҳбар,  
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

## ҚЎЙЛАР ЦИСТИЦЕРКОЗИ (*Cysticercus ovis*)

### Аннотация

В статье приведены сведения о распространенности цистицеркоза овец (*Cysticercus ovis*), об анатомо-морфологии, биологии, ветеринарно-санитарной экспертизе, лечении и профилактике болезни.

**Калим сўзлар:** цистицеркоз, цестодоз, антропозооноз, сколекс, стробила, онкосфера, миграция, протосколекс.

Индивидуал тараққиёт даврида ривожланаётган организм барча босқичларидан доимий рационал ташки муҳит билан ўзаро муносабатда бўлади. Ташки муҳитнинг динамик ўзгарувчан шароитларида организм ўзиниг фаолиятини ўзгартириши мумкин. Аммо ҳайвонлар сонини кўпайтиришда ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишда мавжуд бўлган имкониятдан ташкири чорвачилик ривожланишига тўскинилк килувчи бир канча сабаблар мавжуд. Улар жумласига ҳайвонларнинг турли юқумли, юқумсиз ва инвазион касалликлари мисол бўлади. Инвазион касалликлар орасида эхинококкоз, ценуроз, цистицеркоз каби зоонозлар муҳим ўрин тутади. Ушбу касалликларнинг кўзгатувчилари ҳайвонлар ва одамларнинг жигар, ўпка, бошмия ва бошқа муҳим ички аъзоларини заарлайди. Охирги йилларда юзага келган қўйчилик ҳўжаликларининг фаолият юритиш шаклидаги ва соҳадаги ўзгаришлар, уларнинг турли касалликларга қарши табиий чидамлилигининг пасайиши, сақлаш

### Summary

This article provides information on the prevalence of sheep cysticercosis (*Cysticercus ovis*), anatomo-morphology, biology, veterinary sanitary examination, treatment and prevention of the disease.

шароитлари ва бошқа омиллар туфайли турли касалликлар, жумладан гельминтозлар, уларнинг тарқалиши ва эпизоотологиясида рўй берган ўзгаришлар, уларга қарши даволаш-профилактика услуб-воситаларини такомиллаштириш, янги, ҳозирги шароитларга мос келадиган чора-тадбирлар тизимларини ишлаб чиқиш ва олдини олишнинг иқтисодий самарадор усулларини яратиш ҳамда қўллашни тақоюз этади.

Биргина қўйлар цистицеркози орқали ёш кўзиларнинг ўсиш ва ривожланишдан ортда қолиши, жун сифатининг бузилиши, гўштнинг яроқсиз ҳолатга келиши, шунингдек, ҳайвон организмининг юқумли касалликларга нисбатан резистентлигининг пасайиши, ҳайвонларнинг нобуд бўлиши, қўйчиликка ихтисослашган ва шахсий ёрдамчи ҳўжаликларда катта иқтисодий заарнинг ортишига сабаб бўлади. Шунинг учун гельминтозлар билан заарланишининг олдини олиш, уларга қарши курашишнинг янги замонавий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш нафақат

республикамиз шароитида, балки бутун дунёда долзарб муаммо хисобланади.

Адабиётлар маълумотларида кўринадики, ҳозирги кунда дунё миқёсида кўплаб мамлакатларнинг турли географик-иклим минтакаларида, қишлоқ хўжалиги ва ёввойи ҳайвонлар орасида энг кўп учрайдиган гельминтозлардан бири хисобланган цистицеркоз билан заарланиш даражаси Республикаизининг турли худудларидаги мавжуд қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида паразитлик килиб, чорвачиликка катта иктисодий зарар етказиб келмокда.

Цистицеркоз республикамизда барча тур қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида кенг тарқалган бўлиб, кўй- ёчкиларда 80% ва ундан ҳам юкори, қорамолларда 30-50%, чўчқаларда 20-30% учраши аниқланган. Касалликнинг аник мавсумийлиги йўқлиги сабабли унинг клиник белгилари яққол сезилмайди. Цистицеркоз ҳар хил ёшдаги ҳайвонларда учраши билан характерланади. [ 1 ]

Кўйлар цистицеркози – субклиник кўринишда кечувчи антропозооноз, цестодоз касаллик бўлиб, (*Cysticercus ovis*) кўйларнинг кўндаланг тарғил мускулларида, диафрагмасида, тилида, жағ мускулларида ва кўпинча паренхиматоз органларида паразитлик қилиши туфайли кўзгатилиб, касаллик организмнинг аллергик жавоб қайтарилиши билан характерланади. Касалликнинг бошлангич (ўтқир) даврида ошқозон ичак фолиятининг бузилиши (ич кетиш), тана ҳароратининг ошиши, ҳоллизланиши, корин деворини пайпаслаганда оғриқ сезиши кузатилади. Кейинги даврда клиник белгилар сезилмайди, ҳайвон ориклаб бориши ҳамда қонсизланиши кузатилади.

Кўйлар цистицеркозининг ленталик шакли (*Taenia ovis*) кўзгатувчининг асосий хўжайини хисобланган ит, бўри, шоқол ва тулкиларнинг асосан ингичка ичагида ривожланади. [4]

Кўзгатувчининг диаметри 3-9 мм бўлган юмалоқ ёки овал шаклдаги оч рангли пуфакчали личинка бўлиб, унинг ичидаги тиник суюклика пуфак пардасига ёпишиб турадиган битта куролланган сколекс мавжуд.

Вояга етган (*Taenia ovis*) гельминтнинг узунлиги 1 м дан ошмайдиган тасмасимон, бўғинларга бўлинган цестодадир. Тенияларнинг сколексида икки қаторда жойлашган 24-36 та ҳар хил катталиқдаги илмоқчалар билан қопланган. Сколекс асосий хўжайин хисобланган итлар, бўрилар, тулкилар, шоқолларнинг ингичка ичагига мустаҳкам ҳолда ёпишиш вазифасини бажаради. Сколексдан кейинги қисм гельминтнинг бўйни бўлиб, ундан кейинги қисми тана хисобланади ва у ўсиш қисмидир. У ердан янги бўғинлар (стробилалар) ўса бошлади. Ҳар бир бўғин ичидаги турли хил органлар системаси жойлашган. [2,4]

Паразитнинг voyaga етган шакли тениялар, уларнинг асосий хўжайнлари бўлмиш итлар, бўрилар, тулкилар, шоқолларнинг ингичка ичакларида жойлашиб ҳайвонлар тезаги билан таркибида минглаб тухумлар сакловчи стук бўғинлар ажратади. Базан бўғинлар ичакларда ёрлади ва тезак билан паразит тухумлари чиқади. Чиккан бўғинлар харакат қилиб, ёрлиб ташки мухитга тухумларни таркадади. Оралиқ хўжайн кўй, ёчкилар тения бўғин ва тухумлари билан заарланган озуқа ва ичмиллик суви орқали заарланади. Ошқозон-ичак тизимиға тушган тения тухумларидан онкосфера ажralиб чиқиб, ингичка ичакнинг шиллик пардасини тешиб, капиляр қон томирларига ўтади ва қон лимфа оқими билан мускул тўқималарига, юрак, диафрагмасига, чайнаш мускулларига, тилига ва паренхиматоз органларга бориб жойлашади ва ривожланиб 2 ойдан кейин цистицерк пуфагини хосил қиласди. [2,3]

Асосий хўжайнлар – ит, бўри, шоқол ва тулкилар ана шу цистицерк пуфагини истемол қилиб заарланади ва паразит 2-5 ой ичидаги жинсий voyaga етган шаклга айланади, у организмда бир йил яшашга кодир.

Кўйчилик ривожланган худудларда, айниқса, фермер хўжаликларида санитария коидаларига риоя қилинmasa, кўйларнинг цистицеркози кўпроқ учрайди. Касалликнинг

аник мавсумийлиги яққол сезилмайди. Ёш ҳайвонларда инвазия интенсивлиги ва инвазия экстенсивлиги катта ёшдаги ҳайвонларга нисбатан юкори эканлиги аниқланган. [2,4]

Кўзиларда цистицеркознинг миграция босқичида умумий клиник белгилар, ич кетиши, қонли ич кетиш, ичаклар перисталтикасининг кучайганлиги, қорин девори палпация килган пайтида оғриқ сезиши, нафаснинг тезлашганлиги, иштаҳанинг йўқолиши, тана ҳароратининг кўтарилиши, кўринарли шиллиқ пардалар оқариши ва ҳайвоннинг умумий ахволи ёмонлашиши кузатилади. Кўзгатувчи организмга тушгандан кейин 15-30 кунларда кўзиларнинг ҳолати барқарорлашади, аммо улар озиб кетади. [3,4]

Инвазия интенсивлиги юкори бўлганида, касалликнинг биринчи босқичида, кўзилар патаномотик ёриб кўрилганда қорин бўшлиғида шаффоф экссудат, ичакларда кўплаб нуктасимон қон куюлишлар, юракнинг миёқард қисмида грануляр дистрофия кузатилади.

Ўлган ҳайвон гавдаси озғин, лимфа тугунлари катталашган, талоқ кирралари ўтмаслашган, жигар хирадашган, юрак гипертрофияланган, перикард остида лойка сарик суюклик тўпланганини кўриш мумкин.

Айниқса 1-2 ойлик кўзиларда оғир патаномотик ўзгаришлар кузатилиб, хусусан серрозли ва қонли гепатит ҳамда бронхоневмания, қонли перитонит ва плеврит кузатилади. [2,5]

Ташхис кўйиш учун хўжаликнинг эпизоотологик ҳолатини ўрганиш, мажбурий сўйилган кўйлар гўштининг ВСЭ натижалари ва ўлган кўйларнинг гавдасини К.И.Скребиннинг тўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усули билан текшириб амалга оширилади. [2,4,5]

Ҳайвондан олинган гўшт маҳсулоти ва ички органларига оз миқдорда зарар етган бўлса (яъни 40 см<sup>2</sup> бўлакда 5 тадан кўп бўлмаган финналар) мускулларда патологик ўзгаришлар бўлмаган ҳолатда, гўшт маҳсулотлари ва ички аъзолар қайнатилган колбаса тайёрлаш жойларига юборилади ёки музлатиш йўли билан зарарсизлантирилади. Колбаса маҳсулотлари (майдаланган) ёки қўйма консерва учун кейинчалик қайта ишлаш билан зарарсизлантирилади. Агар касалланган ҳайвоннинг гўшт маҳсулотига сезиларли зарар етган бўлса (яъни 40 см<sup>2</sup> бўлакда 5 тадан кўп бўлган финналар) ёки мускулларда патологик ўзгаришлар бўлса, тана гўшти утилизацияга юборилади. [4]

Кўйларда цистицеркозни даволашнинг усул ва воситалари ишлаб чиқилмаган.

Касалликнинг олдини олиш биологик занжирни узишдан иборат бўлиб, кўйларнинг гўшти ва ички органларини тўлиқ текшириш, личинкалар билан заарланган ички органларни кўйдириб йўқ қилиш, дайди итларни тутиш ва зарарсизлантириш, ўй ҳамда хизмат итларини тўлиқ дегельминтизация қилиш зарур. [2,4,5]

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.О.Орипов, Р.Б.Давлатов, Н.Э.Йўлдошев. “Ветеринария паразитологияси” Ўқув кўлланма // Наврўз нашриёти. – Тошкент, 2016.

2. Дяконов Л.П., Косминков Н.Е., Лайпанов Б.К., Непоклонов А.А. Ветеринарная паразитология. // Учебник. – Москва, 1999.

3. Галат В.Ф., Березовский А.В., Сорока Н.М., Прус М.П. Паразитология та инвазийни хвороби тварин. // – Киев, Уражай 2009.

4. Сивкова Т.Н., Доронин-Доргелинский Е.А. Ларвальные цестодозы. Биология, патология, ветеринарно-санитарная экспертиза и контроль. // Учебное пособие // Пермь ИПЦ. Прокраст. 2018.

5. Ятусевич А.И., Галат В.Ф., Березовский А.В., Прус М.П., Сорока Н.М. Руководство по ветеринарной паразитологии. // Минск. Техноперспектива, 2007.

УДК: 48.731.371.6

О.С.Давидов, в.ф.н., Б.А.Элмуродов, в.ф.д., профессор,  
Р.М.Урақова, кичик илмий-ходим, М.Рахимов, в.ф.н.,  
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

## ЎЗБЕКИСТОНДА АСАЛАРИЛАР ТРОПИЛЕЛАПСОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ ТАРҶАЛИШИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

### Аннотация

В статье описаны результаты изучения эпизоотологической ситуации в пчеловодческих хозяйствах некоторых регионов нашей республики. То есть описаны результаты научных исследований по происхождению, распространению, профилактике и мерам борьбы с новой болезнью пчел тропилапсозом. Тропилапсоз является опасным паразитарным заболеванием пчел, и отмечается, что он наносит большой экономический ущерб пчеловодческим хозяйствам. В борьбе с тропилапсозом пчел рекомендуется обрезка и уничтожение заражённых пчелиных семей, применение муравьиной кислоты, амиакар и других пиретроидных препаратов.

**Калим сўзлар:** асалари, тропилапсоз, касаллик, қўзгатувчи, *Tropilaelaps clareae*, кана, диагноз, мумкатақ, личинка, даволаши, карши курашиши чоралари.

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикаизда асаларичилик қишлоқ хўжалигининг юқори даромадли тармоқларидан бири бўлиб, асалари асли, гул чангига, ўз хусусиятлари бўйича озиқ-овқат, доривор ҳамда косметологик маҳсулотлар ҳисобланса, прополис, асалари заҳари, она ари сути – тиббиёт ва косметологияда кенг кўлланиладиган кучли биостимулятор вазифасини бажаради.

Ўзбекистон асалариларни кўпайтириш ва бокиши бўйича тарихий марказлардан бири бўлиб, қуёшли табиати асаларичиликни ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Кейинги йилларда асаларичилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш, асаларичилик хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, асал маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, асални қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни жорий этиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича бир қатор чора ва тадбирлар амалга оширилди.

Асаларичилик соҳасини ривожланиши учун яратилаётган қулайликлар, олиб борилаётган тадбирларга карамасдан, соҳа ривожига катта иқтисодий зарар келтирувчи омиллар ҳам мавжуд.

Жумладан, асалариларнинг турли ҳашорат ва заарар-кундалалар билан зааррланиши, инфекцион ва инвазион касалликларнинг келиб чиқиши долзарб муаммолардан бири ҳисобланади

Ушбу холатлардан келиб чиқкан ҳолда асалари касалликларини аниқлаш, олдини олиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, асаларичиликни ривожлантиришда инновацион гоялар ҳамда илмий ишланмалар, замонавий

### Annotation

The article describes the results of studying the epizootiological situation in beekeeping farms in some regions of our republic. That is, the results of scientific research on the origin, distribution, prevention and measures to combat the new bee disease tropilapsosis are described. Tropilepsosis is a dangerous parasitic disease of bees, and it is noted that it causes great economic damage to beekeeping farms. In the fight against tropilepsis of bees, pruning and destruction of bee colonies, the use of formic acid, amiacar and other pyrethroid preparations are recommended.

технологиялар асосида кенг кўламда жорий қилиш каби тадбирларни амалга ошириш зарур.

Тропилапсоз асаларилар очиқ ва ёпиқ личинкаларининг (*Tropilaelaps clareae*) гамаз канаси қўзғатадиган касаллигидир. Кананинг урғочиси тўқ қизил-қўнғир рангли, узунчоқ шаклда, 0,97-1.0x0,53-0,58 мм, эркаги 0,88-0,51 мм катталиқда бўлади. Мумкатақларда ривожланаётган асалари личинкалари мумкатақларни ёпишидан олдин, уруғланган урғочи каналар мумкатақларга кириб, уларнинг деворида 3-4 та тухум қўяди ва унда каналар 8-9 кун давомида ўзининг тўлиқ ривожланиш даврини ўтайди. Тропилапсоз каналарининг мумкатақда тўлиқ ривожланиш даврида улар асалари личинкаларининг гемолимфасини сўриб, нобуд бўлишига олиб келади. Касалликнинг тарҷалиши манбаи бўлиб кана билан зааррлган асаларилар ҳисобланади. Тропилапсоз касаллигининг аризорда касал оиласардан соғлом



1-расм. Асалари мумкатақларининг бузилган ҳолати



2-расм.



3-расм.

*Tropilaelaps clareae* канаси билан заарланган мумкатақлар ва нобуд бўлган арилар

оилаларга тарқалиши арилар ўғирланган, кўчирилган, ромларни касал оилалардан соғлом оилаларга ўтказганда содир бўлади. Касалликнинг характерли белгилари: касаллик кўпинча ёзниг иссиқ даврида учрайди. Асаларичи личинкаларнинг мумкатақларда номутаносиб жойлашганини, ҳамда уларнинг кундан-кун камайиб бораётганлигини кузатади. Шу билан бирга, кўпинча (80-90%) эркак арилар (трутенлар) личинкалари заарланиши кузатилади. Мумкатақда нобуд бўлган личинкалар ўзининг ялтироқ тусини йўқотади, тана формаси ўзгаради, баъзи личинкаларнинг олдинги қисми мумкатақдан чиқиб туриши мумкин (1-расм.).

Личинкаларнинг нобуд бўлиши уларнинг тўлиқ шаклланиши даврида содир бўлади, баъзида эса личинкалар ўз ривожланишини катта аригача етказади, аммо улар танаси деформацияланган, оёқлари йўқ, қанотлари ўрнидаrudиментлар қолади. Заарланган асалари учиш майдончаси олдида, асалари уяси тубида асаларичи мумкатақлардан чиқариб ташланган личинкалар билан бирга шакли бузук катта ишчи ариларни, трутенларни ва пилла ғумбакларни учратади. Заарланган асалари оиласида кўпинча эркак арилар трутенлар кўпайиб кетади. Каналарни катта арилар танасида, трутенларда ва мумкатақларда учратиш мумкин. Бир мумкатақда каналар сони 1-4 тадан 24-36 тагача учратилиши мумкин.

**Тадқиқот материалари ва услублари.** Тадқиқотлар парранда, күён, балиқ ва асалари касаллари ҳамда Арахноэнттомология ва акарапология лабораториялари ходимлари Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари асаларичилик хўжаликларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида хизмат сафари давомида олиб борилган тадқиқотлар ҳамда ла-



4-расм.

Асалари тропилелапсоз касаллигини аниқлашида лаборатория текшириши жараёнлари



5-расм.

бораторияда микроскопик текширув жараёнлари асосида амалга оширилди. Бунга кўра, Тошент вилоят “Эффект проф сервис” МЧЖ асаларичилик фирмаси 350 та асалари оиласидан, Тошкент вилояти Тўйтепа туманидаги Тугунбой Файзиевич шахсий асаларичилик хўжалигидан 70 та асалари оиласидан ҳамда Қашқадарё вилояти Қарши тумани “Чўли ота” асаларичилик хўжалигига Нуриддинов Шарофиддинга тегишили 200 та асалари оиласидан лабораторияга текшириш учун пат намуналар олиб келинди. Ушбу асаларичилик хўжалик эгаларидан анамнез маълумотлари олинди, эпизоотик ҳолат ўрганилди. Лабораторияда текшириш учун қуйидаги пат намуналар – ромдан кесиб олинган 3x15 см ҳажмдаги печатланган личинкалар бўлаги, уя ичидан олинган 100-200 тирик арилар ва асалари уяси тубидан йигиб олинган ахлат олиб келинди. Текшириш жараёнда мумкатақчаларни кесиши учун скапель, ари ва каналарни ажратиб олиш учун петри косача, буюм ойнача, қоплагич ойнача, мумкатақлардан каналарни ажратиб олиш учун махсус тароқ, бинокуляр микроскоп, спирт, пахта, 0,3 % формалин, дисстилланган сув ҳамда ажратиб олинган каналарни кўргазмали курол сифатида солиб кўйиш учун барбагалла эритмаси тайёрланди. Иш столига спирт билан ишлов берилди. Мумкатақлар арилар ахлати билан ифлосланганлиги учун авваламбор инфекцияларга, яъни америкача ва европача чириш касалликларига гумон қилиниб, мумкатақчалар ўзидан ГПА озиқа мухитига экма экиб 32-34°C да 24 соатга термостатга кўйиб микроскопик текширишлар ўтказганимда инфекция кўзатилмади.

Мумкатақлар ва мумкатақлар ичидаги каналардан махсус тароқ ёрдамида ҳар бир мумкатақчадан 3-4 тадан 4-5 тагача ажратиб олинди. Каналарни буюм ойнаси устига кўйиб бир томчи дистилланган сув томизилиб, микроскопда текширилди. Каналар қизгиш жагаррангда жуда майда 3 жуфт оёқларга эга овалсимон тана устки қисмидан тўқ жигарранг хошияли чизифи билан бошқа тур каналардан (масалан, варроа ва браула) ва бошқа каналар касалликларидан фарқлаш анамнез маълумотлари, лаборатория текширув натижалари асосида амал-



6-расм.

*Tropilaelaps clareae* канасининг микроскопик кўринини



7-расм.

га оширилди. Асалариларда тропилелапсоз касаллиги аникланиб ташхис қўйилди.

**Касалликка қарши қурашиш чоралари.** Тропилелапсозга диагноз қўйишда клиник белгилари эпизоотик ҳолат ўрганилади. Мазкур худудда касаллик биринчи марта қайд қилинган бўлса касал асалари оиласлари дархол йўқотилиши лозим. Жуда кўп сонли аризорлардаги ари оиласлари касаллик билан заарланган бўлса ёки заарланганликда гумон қилинган оиласлардаги ҳамма личинкалар (янги қўйилган тухумлардан ташкари) кесиб ташланади ва мумга эритилади. Касалланган асалари оиласлари уяси тубига вазелин суртилган қофоз ёпилиб, салқин хоналарга З кунга кўчирилади ва тоза, дезинфекцияланган мумкатали ромлар ёки мумпардали ромлар билан оила шакллантирилади ва касалликга қарши ишлов берилади.

Тропилелапсозга қарши ишлов бериш варроатоз ва акарапидозга қарши қўлланадиган шавел кислотаси, чумоли (муравъиная) кислотаси, флуцин, валин ва амиакар каби кимёвий воситалар ва уларни қўллаш усуллари асосида ўтказилади. Чумоли кислотаси тропилелапсозга қарши баҳорда, ҳарорат 14-25°C бўлганда (арилар бари учб келгандан сўнг) ва ёз-куз фаслларида (асал олингандан сўнг) қўлланилади. Чумоли кислотасини асалари оиласига баҳорда 12 кунлик интервал билан 3-5 кунлик муддатга икки марта, кузда эса 3-5 кунлик муддатта бир марта қўйилади. Асалари оиласларига чумоли кислотаси билан ишлов берилганда, уянинг юқори кириб чикиш тешиги очиқ колдирилиши лозим. Чумоли кислотаси асалари оиласига 20x30 см катталиктаги полиэтилен пакетларда ёки оғзи диаметри 2 см бўлган ясси флаконларда ёки диаметри 9 см келадиган полиэтилен қопқоқчаларда қўйилади. Пакетларга 2-3 та катталиги 15-25 см, қалинлиги 3-5 мм ли картон солиниб, унга 30-50 мл чумоли кислотаси шимдирилади. Картонларга кислота шимдирилгач, пакетнинг устки очиқ қисми икки буклаб қатланади. Пакетни қўллаш олдидан асалари оиласининг кучини инобатга олган ҳолда пакетга диаметри 1,5 см ли 1-3 тешик қилинади ва уянинг орқа деворига яқинроқ қилиб пакет тешигини пастга қаратиб ромлар устига қўйилади. Пакет остига иккита ёғоч чўп қўйилади.

Ясси флакон қўлланганда унга 30-50 мл чумоли кислотаси қўйилиб, флакон оғзига сигадиган даражада докадан бураб пилта ясад флаконга тиқилади. Пилта флакон бўйидан 3-5 см узунроқ бўлиши лозим. Пилта пинцет билан флаконга ботирилиб, кислота шимдирилади. Пилтанинг бир учи флакондан ташқарига чиқариб қўйилади. Флакон бўш ромга боғлаб осилтириб уянинг орқа қисмига қўйилади. Полиэтилен идишининг бўш қапқоғига 30 мл чумоли кислотаси қўйилиб, оғзигага 10x10 смли картон ёпиб, уянинг ромлари устига қўйилади. Асалари оила-

ларига ишлов бериш қўйидагича олиб борилади: уянинг қопқоғи очилади, иситиш қўрпачаси ва холстик олинниб, тутатқич – димар билан уяга тутун юборилади. Чумоли кислотаси шимдирилган пакет, чумоли кислотаси солинган флакон ва полиэтилен қопқоқларни ҳам 6, 7, 8 ва 9 бандларда қўрсатилган равишда асалари уясига қўйгач, ромлар усти холстик, қўрпача билан ёпилиб, копкок ҳам ёпилади. Чумоли кислотаси билан ишлов берилган асалари оиласларидан олинган асал чекловсиз истеъмол қилиниши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, баъзида чумоли кислотасини нотўғри қўллаш она арилар ҳамда бутун аризордаги арилар нобуд бўлишига олиб келади. Тропилелапсоз касаллигига қарши чумоли кислотаси ва шавел кислотасидан ташкари, варроатоз, акарапидоз касалликларига қарши қўлланадиган флуцин, валин ва амиакар акарицид препаратлари ҳам қўлланади.

– Чумоли кислотаси билан ишлаганда эҳтиёт чораларига риоя қилиш лозим: бу ишга алоҳида инструктаж олган кишилар йўл қўйилади; ишлов бериш ҳалатда, резина фартукда, резина қўлқонда ва респираторда олиб борилади. Чумоли кислотаси солинган идишининг оғзини очиш ҳавони тортиб ташқарига чиқарадиган шкафларда ёки очиқ ҳавода ўтказилиб, препаратурнинг терига, кийимга ва кўзга тегишидан эҳтиёт бўлмоқ лозим; ишни тутгач, маҳсус кийимлар ечилиб, кўл ва юзни яхшилаб ювиб, оғиз сув билан чайқалади.

– Препаратлар терига текганда дархол совук сув билан, кейин совун билан ювилади. Препаратлардан заҳарланиб қолган тақдирда ошқозон қўп микдордаги сув билан ювилади, тухум оқсили ёки шиллиқ қайнатма ичирилиб, тезлик билан врачга мурожаат қилинади (камфора, изотоник эритма, натрий хлориди эритмаси, венага 10% ли хлорли кальций эритмаси юборилади); қайд қилдирувчи препаратлар бериш руҳсат этилмайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. О.С.Давидов, С.И.Мавланов, Т.В.Катайщева Асалари касалликларини олдини олиш ва даволаш тадбирлари. – Т, 2014 й. “Zooveternariya”.
2. Никадамбаев Ҳ. Асалари касалликлари ва зараркундалари. – Т, 2013 й.
3. И. А. Акимов, А. В. Ястребцов Сравнительно – морфологические особенности клеща *Tropilaelaps clareae* (Laelaptidae) – паразита медоносной пчёлы. Д. Паразитология. 1990 г.
4. <https://beekeepers.uz/osnovnyye-bolezni-pchel-i-ikh-lecheniye>
5. <https://www.systopt.com.ua/ru/article-hvoroby-bdzhilta-yih-likuvannya>
6. <https://vetlab.spb.ru/novosti/992-bolezni-pchjol-i-zabotab-ikh-zdorove>
7. [http://rsn-saratov.ru/poleznaya\\_informaciya/457.html](http://rsn-saratov.ru/poleznaya_informaciya/457.html)

## МАHSULDOR SIGIRLARDA BACHADON SUBINVOLYUTSIYASINING ETIOPATOGENEZI

### **Аннотация**

*В этой статье описываются литературные данные и результаты собственного исследования об этиологии, механизмы развития и клиника субинволюции матки у коров.*

**Kalit so‘zlar:** bachadon, subinvolutsiya, gipovitaminozlar, yashirin endometrit, loxiy, homila, bug‘ozlik.

**Mavzuning dolzarbliji.** Qoramollar zotini yaxshilash va mahsuldorligini oshirish muammolarini samarali hal etishga katta to‘sqinlik qilayotgan kasalliklar orasida hayvonlar jinsiy a’zolarining kasalliklari, jumladan sigirlarda bachadon subinvolyutsiyasi kasalligi asosiy o‘rinni egallaydi.

Bachadonning subinvolyutsiyasi – deganda sigirlar tuqqanidan keyin bachadonni bepushtlik holatiga qaytishining sekinlashishi, ya’ni involyusiyasining kechikishi tushiniladi. Kasallik barcha turdagи hayvonlarda, ayniqsa respublikamizga chetdan keltirilayotgan mahsuldor sigirlar orasida ko‘p uchramoqda [4].

V.I.Mixalevning (2007) aniqlashicha, bachadon subinvolyutsiyasining asosiy sabablari tug‘ishdan keyingi bosqichda va tuqqandan keyingi birinchi 3 soat davomida bachadon devori muskullarining qisqarishlari jadalligining pasayishi oqibatida bachadon muskullari retraksiyasining sekinlashishi va tug‘ushdan keyingi jarayonlarning me’yorida kechmasligi hisoblanadi.

Odatda tug‘ruqdan keyingi jarayonlar fiziologik me’yorlar darajasida kechganda bachadonning subinvolyutsiyasi tuqqandan keyingi birinchi oyning oxirida nihoyasiga yetadi.

Bachadonning subinvolyutsiyasi paytida uning bo‘shlig‘iga loxiy suyuqligi to‘planadi, uning parchalanishi, chirishi mikrofloralarning tushishi, tuqqandan keyingi endometrlarning rivojlanishi va tuxumdonlar funksiyalarining buzilishlari oqibatida bepushtliklar kelib chiqadi.

Bachadon subinvolyutsiyasining sabablari homila oldi suyuqligining haddan tashqari ko‘p va homilaning juda katta bo‘lishi, gipofiz bezi orqa bo‘lagi va homila yo‘ldoshining funksional yetishmovchiliklari bo‘lishi mumkin. Kasallikning ikkilamchi sabablari bo‘g‘oz hayvonlar uchun matsonning yetarli bo‘lmasligi, sigirlarni bo‘g‘ozligining oxirgi kunlarigacha sog‘ish, bir tomonlama oziqlantirish, ratsionda sut haydovchi oziqlarning ko‘pligi yoki yetarlicha oziqlantirmslik, vitaminlar va mineral moddalarning yetishmasligi, organizm rezistentligining pasayishiga sabab bo‘luvchi omillar hisoblanadi [1].

V.I.Mixalevning (2007) ta’kidlashicha, bachadon subinvolyutsiyasining kechishiga ko‘ra o‘tkir (tuqqandan keyingi 2 hafta davomida), yarim o‘tkir (tuqqandan keyingi 15-30 kunlari) va surunkali (tuqqandan 30 kun keyingi kunlari), sabablariiga ko‘ra birlamchi va ikkilamchi (homila yo‘ldoshining ushlanib qolishi, tug‘ruqdan keyingi septisemiya, endo-

### **Anatation**

This article describes the literature data and the results of our own research on the etiology, developmental mechanisms and clinic of subinvolution of the uterus in cows.

**Kalit so‘zlar:** bachadon, subinvolutsiya, gipovitaminozlar, yashirin endometrit, loxiy, homila, bug‘ozlik.

metrit va b.), kechish darajasiga ko‘ra yengil va og‘ir turlari farqlanadi.

Adabiyotlarda ta’kidlanishicha [2] sigirlar tuqqandan keyin bachadonning tiklanish jarayoni uchun 50-60 kun ketadi, shuning uchun sigirlar tuqqandan keyingi birinchi oyda urug‘lantirish yuqori samara bermaydi, urug‘lantirishni ikkinchi oyda amalga oshirish maqsadga muvofiq degan xulosaga kelganlar. Mualliflarning fikricha, sut mahsuldorligi 4000 kg bo‘lgan sigirlarni taxminan tuqqandan keyingi 40-kunlarda urug‘lantirish eng optimal muddat hisoblanadi.

Sigirlarda bachadon subinvolyutsiyasi tuqqandan keyingi o‘tkir endometrit rivojlanishining patogenetik asosi hisoblanadi. Mualliflar tomonidan ishlab chiqilgan moslama yordamida bachadon bo‘shlig‘i suyuqligi asseptik ravishda olinib tekshirilganda sog‘lom sigirlarda tuqqandan keyingi birinchi 2 kun davomida 90 % hollarda hyech qanday bakteriyalar aniqlanmagan, bachadon subinvolyutsiyasi paytida esa 88,9 % hayvonlarda bachadondan shartli patogen mikroflora ajratib olingan (V.I.Mixalev, 2007).

**Tadqiqot maqsadi** yangi tuqqan mahsuldor sigirlarda bachadon subinvolyutsiyasi kasalligining sabablari va rivojlanish xususiyatlari, klinik belgilari va qondagi morfobiokimyoiy o‘zgarishlarni o‘rganishdan iboratdir.

**Tadqiqotlar obyekti va uslublari.** Fermer xo‘jaliklari sharoitida mahsuldor sigirlar orasida bachadon subinvolyutsiyasi kasalligining tarqalishi, sabablari va rivojlanish xususiyatlari, klinik belgilari va qondagi morfobiokimyoiy o‘zgarishlarni o‘rganish maqsadida “o‘xshash juftliklar” tamoyili asosida “e’talon” hayvonlar sifatida ajratib olingan 6 bosh sog‘in sigirlar tug‘ishining 1- oyidan boshlanib, ularning urug‘lantirilishigacha bo‘lgan davrda har 10 kunda bir marta tekshirishlar o‘tkazilib, ularda klinik-fiziologik status va qondagi morfobiokimyoiy ko‘rsatkichlari aniqlandi.

Tajribadagi sigirlarning umumiy holati, ishtaha, semizlik darjasasi, tashqi ta’sirotlarga javob reaksiyasiga e’tibor berildi. Umumiy qabul qilingan klinik tekshirish usullari bilan shilliq pardalar, teri va teri qoplamasi, harakat a’zolaring holati, oshqozon oldi bo‘limlarining 5 daqiqadagi qisqarishlari soni, tana harorati, 1 daqiqadagi yurak urishi va nafas soni aniqlandi. Jinsiy a’zolarni tashqi tekshirishlar orqali jinsiy lablar holati, undan shilimshiq suyuqlik oqishi, uning rangi, hidi va konsistensiyasi, shilliq pardalarning rangi aniqlandi.

To‘g‘ri ichak orqali tekshirish yordamida bachadonning holati va uning involyutsiyasi (o‘z holiga kelishi) aniqlanib borildi hamda tuxumdonlar holati, ularda follikulalar yoki sariq tana borligi aniqlandi. Qin oynasi yordamida tekshirish bilan qin shilliq pardasining, bachadon bo‘yinchasining holati, uning yopilganlik darajasi, bachadondan ajralayotgan suyuqlikning xarakteri, sigirlarda kuyga kelish va jinsiy siklning kechishi o‘rganildi.

Sigirlarning oziqa ratsionlari tarkibi va to‘yimliliqi, tarkibidagi hazmlanuvchi protein, qand, karotin, kalsiy, fosfor, kletchatka miqdorlari bo‘yicha zootexnikaviy tahlil qilinib, oziqlantirish me‘yorlari bilan taqqoslash asosida hayvonlar organizmi ehtiyojlarining qondirilish darajasi o‘rganildi.

Sog‘in sigirlardan olingen qon namunalarida eritrositlar va leykositlar soni (Goryayev sanog turida), gemoglobin (hemoglobin-sianidli usul), glyukoza (Orto-toluidin bilan rangli reaksiya), qon zardobida umumiy oqsil (Refraktometrik usul) miqdorlari aniqlandi.

**Olingen natijalar tahlili.** Fermer xo‘jaligidagi sigirlar ratsioni asosan silos-konsentrat tipida ekanligi bilan xarakterlanib, oziqlantirish me‘yorlariga nisbatan 2,08 oziqa birligining yetishmasligi qayd etildi. Ratsiondagagi hazmlanuvchi protein 911,8 grammni, u bilan ta‘minlanish esa 105,8 foizni tashkil etdi.

Sigirlar organizmining yengil hazmlanuvchi uglevod-larga bo‘lgan ehtiyojlarining qondirilishi 46,4 foizni tashkil etdi, ya’ni ratsiondagagi qand miqdorining me‘yorlardan 364,4 grammga kamligi aniqlandi. Qand-oqsil nisbati me‘yordagi 0,8-1,2 o‘rniga 0,34 ni tashkil etdi.

Xo‘jalikda sigirlar ratsionining makroelementli tarkibi oziqlantirish me‘yorlariga nisbatan kalsiuning 2,4 grammga ortiqchaligi va fosforning 6,3 grammga yetishmasligi bilan xarakterlandi. Fosforning kalsiyya nisbati 0,46 ni tashkil etdi. Ratsiondagagi kletchatkaning miqdori me‘yordagi 2850 g o‘rniga 3392 grammni, karotinning miqdori 169 mg ni tashkil etdi.

Sog‘in sigirlar ratsionini tahlil qilish bilan shunday xulosaga keldikki, ratsionlar tipi, tarkibi va to‘yimliliqi bo‘yicha sigirlar organizmining to‘yimli moddalar, biologik faol moddalar, makro- va mikroelementlarga nisbatan ehtiyojlarini to‘liq qondirmaydi. Ratsionlarning oqsilli va energetik jihatdan normutanosibligi, qand-oqsil va fosfor-kalsiy nisbatlarining pastligi, sigirlarda bachadonni tuqqandan keyingi qayta tiklanishining kechikishi, ya’ni bachadon sub-involyutsiyasining kelib chiqishida asosiy etiologik omillar hisoblanadi. Sigirlarning yil davomida bir joyda saqlanishi oqibatida (gipodinamiya va gipoinsolyasiya) ularda modda almashinuvlarining buzilishlari va jinsiy a‘zolarda involyusion jarayonlarning kechikishiga olib keladi.

Bachadon sub-involyutsiyasi bilan kasallangan sigirlarda umumiy holsizlanish, befarqlik, ishtahaning o‘zgarishi, osh-qozon oldi bo‘limlarining gipotoniyasi, shilliq pardalarning oqarishi (anemiya) kabi umumiy belgilari, qindan kataral-yiringli ekssudat oqishi, to‘g‘ri ichak orqali tekshirilganda bachadonni kattalashgan bo‘lishi va bo‘shlig‘ida suyuqlik borligi, tuxumdonlarda sariq tanani to‘liq so‘rilib ketmaganligi kabi klinik belgilari kuzatilishi xarakterli bo‘ldi. Tana haroratini o‘rtacha 0,5-1°C va yurak urishi soni bir daqiqada 10-15 martagacha ortishi qayd etildi.

1. Bachadon sub-involyutsiyasi bilan kasallangan sigirlar gematologik ko‘rsatkichlari

T.r.	Ko‘rsatkichlar	Tekshirishlar boshida	Tekshirishlar oxirida
1	Eritrositlar, mln/mkl	5,18±0,08	4,68±0,06
2	Leykotsitlar, ming/mkl	8,64±2,02	6,21±2,26
3	Gemoglobin, g/l	110,6±4,6	86,4±5,7
4	Glyukoza, mmol/l	2,19±0,24	2,12±0,06
5	Umumiy oqsil, g/l	83,6±6,3	64,8±5,2

Bachadon sub-involyutsiyasi bilan kasallangan sigirlar qonidagi eritrositlar soni tekshirishlar boshida o‘rtacha 5,34±0,11 mln/mkl ni (me‘yor 5,0-7,5 mln/mkl) tashkil etgan bo‘lsa, tekshirishlarning oxiriga kelib, o‘rtacha 4,74±0,08 mln/mkl gacha, gemoglobin konsentrasiyasining 112,6±5,8 g/l dan 87,6±4,1 g/l gacha kamayishi (me‘yor 99-129 g/l) kuzatildi ( $R<0,05$ ).

Sog‘in sigirlar qonidagi glyukoza konsentrasiyasini me‘yoriy ko‘rsatkichlardan ancha kam ekanligi qayd etilib (me‘yor 2,22-2,33 mmol/l), 2,19±0,24 mmol/l dan 2,12±0,06 mmol/l gacha, qon zardobidagi umumiy oqsil miqdorining 83,6±6,3 g/l dan 64,8±5,2 g/l gacha kamayishi va leykositlar sonining 6,21±2,26 2 ming/mkl dan 8,64±2,0 ming/mkl gacha ko‘payishi qayd etildi.

**Xulosalar.** 1. Sigirlarda bachadon sub-involyutsiyasining kelib chiqishida ratsionni organizmning to‘yimli moddalar, makro- va mikroelementlarga nisbatan ehtiyojlarini to‘liq qondirmsaligi, bo‘g‘oz hayvonlar uchun matsionning yetarli bo‘lmasligi, sigirlarni bo‘g‘ozligining oxirgi kunlarigacha sog‘ish, yaratishning yetishmasligi va quyosh nurlarining yetishmasligi asosiy etiologik omillar hisoblanadi.

2. Sigirlarda bachadon sub-involyutsiyasi umumiy holsizlanish, ishtahaning o‘zgarishi, oshqozon oldi bo‘limlari qisqarishlarining kamayishi, shilliq pardalarning oqarishi (anemiya) kabi umumiy belgilari, qindan kataral ekssudat aralash loxiy suyuqligining oqishi, to‘g‘ri ichak orqali tekshirilganda bachadonning kattalashib unda ko‘p miqdorda suyuqlik bo‘lishi, tuxumdonlarda sariq tana so‘rilishining kechikishi kabi belgilari kuzatilishi hamda qondagi eritrositlar soni, hemoglobin, umumiy oqsil miqdorlarining kamayishi va leykositlar sonining ortishi bilan xarakterlanadi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Михалев В.И. Послеродовая субинволюция матки у коров, ее морфофункциональное состояние и разработка эффективных методов терапии и профилактики. Диссертация ... доктора ветеринарных наук : 16.00.07, 16.00.02.- Воронеж, 2007.- 335 с.: ил. РГБ ОД, 71-07-16/19.

2. Храмцов В. В. Влияние сезонных факторов на воспроизводительные функции и продуктивность коров [Текст] / В. В. Храмцов, Р. А. Шундулаев, Н. А. Саенко // Ветеринария. - 2004. - №11. - С. 13-14.

3. Эшбуриев, С. Б., & Эшбуриев, Б. М. (2014). Эффективный метод профилактики нарушения витаминно-минерального обмена у коров. Thy Way of Sciencye, 34.

4. Эшбуриев, Б., & Балиев, Ш. (2022). Сигирларда эндометритни даволашда “карбаказ” препаратининг самараадорлиги. Перспективы развития ветеринарной науки и её рол в обеспечении пищевой безопасности, 1(2), 339-345.

5. Эшбуриев, Б. М., & Эшбуриев, С. Б. (2013). Профилактика микроэлементозов у стельных коров в фермерских хозяйствах Узбекистана. Вестник ветеринарии, (3), 68-70.

## МАҲСУЛДОР СИГИРЛАРДА ТУҚҚАНДАН КЕЙИНГИ ГИНЕКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШ ВА РЕПРОДУКТИВ ФАОЛИЯТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШДА СУРФАГОН ПРЕПАРАТИНИНГ САМАРАСИ

**Аннотация**

В данной статье описан эффект гормонального препарата сурфагон при лечении акушерских гинекологических заболеваний, встречающихся у новорожденных коров, и стимуляции репродуктивной деятельности.

**Калим сўзлар:** акушерлик, гинекология, профилактика, катетр, сариқ танача, бачадон субинволюцияси, эстрадиол бензодиазепин, сурфагон, пуштсизлик, дитрим, сигир.

**Мавзунинг долзарблиги.** Давлатимиз раҳбарининг чорвачиликни ривожлантиришни янада тақомиллаштириш тўғрисидаги қарорларининг бажарилиши ҳисобига нафақат фермерлар, чорвачилик фермалари, балки ахоли қарамоғидаги чорва моллари ва паррандалар бош сони ҳам йилдан-йилга қўпайиб бормоқда. Президентимизнинг 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон “Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида халқимиз фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий тармоқларни трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантиришда ветеринария ва чорвачилик соҳаси асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Сигирлардан унумли фойдаланиш, қисир қолишининг олдини олиш, уруғлантириш миқдори ва сифатини ошириш ҳамда ёш бузоқларни сақлаш тадбирларини йўлга кўйиш чорвачиликни ривожлантириш

**Annotation**

This article describes the effect of the drug surfagone hormonol in the treatment of obstetric gynecological diseases and stimulation of reproductive activity, which is found in cows that have just given birth.

ва чорва маҳсулдорлигини оширишнинг асосий шартлари дейиш мумкин. Ҳайвонларни озиқлантиришни яхшилаш билан бир қаторда хўжаликлардаги чорвачилик ишлари юритилишини тақомиллаштириш, илғор фан ютуқларидан кенг кўламда фойдаланиш эвазига моллар бош сонини қўпайтириш ҳозирги куннинг долзарбазифаларидан биридир.

Хўжаликларда подани қайта тўлдиришни муваффақиятли амалга ошириш учун пуштсизлик ва қисир қолишга ҳамда туққандан кейинги гинекологик касалликлар билан касалланишга йўл қўймаслик зарур. Сигир ва таналарни қисир қолишида асосий сабаблардан бири туққандан кейинги гинекологик касалликлар (йўлдош ушланиб қолиши, эндометритлар) ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Сигирларда туққандан кейинги эндометритларни даволашда Сурфагон (SURFAGON) препаратини даволовчи самарадорлигини аниқлаш мақсад қилиб олинган. Тадқиқотнинг вазифаси сигирларда туққандан сўнг

**Жадвал.**

Сигирлар туққандан кейинги йирингли эндометрит касаллигини даволашда сурфагон препаратининг самараси

Гурӯҳлар	Қўллган препаратлар миқдори	Тажрибада бўлган сигир-тар сони	Шундан соғайғанлари		Кисир бўлиб юрган кунлари	Отананди	Кисир колди			
			Даво- лашдан сўнг							
			Бош	%						
1-тажриба гурухи	Тўғри ичак орқали массаж 1:5000 фурациллин билан бачадонни ювиш, фурозолидон таёқчасидан 2-3 дона кўйилди ва Дитрим препаратидан 10 кг тирик оғирлигига 1 мл Сурфагон препарати 2 мл дан мускул орасига юборилди	12	11	91,6	55	10	2			
2-назорат гурухи	Тўғри ичак орқали массаж 1:5000 фурациллин билан бачадонни ювиш, фурозолидон таёқчасидан 2-3 дона кўйилди ва Дитрим препаратидан 10 кг тирик оғирлигига 1 мл	12	9	75,0	68	8	4			



гинекологик касаллукларни даволаш ва репродуктив фаолиятини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқот предмети ва усуллари.** Тадқиқотлар Самарқанд вилояти Пастдарғом туманиндағы “Бешбобла” фермер хўжалигидага 24 бош 2-туғум голиштин зотига мансуб эндометрит билан касалланган сигирларда олиб борилди. Эндометріларни даволашда Сурфагон (SURFAGON) препаратидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили.** Адабиёт манбалардан маълум бўлишича сигирлар туққандан кейинги касаллукларни даволашда сурфагон 2 мл дан ва Эстрадиол бензоат 5 мл дан препаратларни юбориб қўллашдан олинган самараадорлик юқори даражада бўлиши аниқланган. Аммо Ўзбекистон шароитида сигирлар туққандан кейинги эндометрит касаллигини даволашда бу препаратларнинг самараадорлиги ўрганилмаганлиги сабабли эндометрит касаллигини даволашда самараси ўрганилди.

Сурфагон (SURFAGON) «Biveco» кўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган гормонал восита хисобланиб, 10 мл ҳажмли флаконларда қадоқланган суюқ препарат.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда сигирлар туққандан кейинги эндометрит касаллигини даволашда сурфагон препаратини самараадорлигини ўрганиш бўйича тажрибалар ҳар бир тажриба гурухида 12 бошдан 2 гурух сигирларда олиб борилди. Назоратда бўлган 12 бош сигирлар умумий қабул қилинган даволаш усуллари билан даволанди. Бачадон тўғри ичак орқали текширилиб, енгил 3-4 дақиқа массаж қилинди ва 1:5000 нисбатли фурациллин эритмаси билан ювилаб, и фурозолидон таёқчасидан 2-3 дона қўйилди ва

Дитрим препаратидан 10 кг тирик оғирлигига 1 мл мушак орасига юборилиб даволанди. 1-гуруҳда бўлган 12 бош сигирлар тажрибада бўлиб, уларга умумий даволаш усулга кўшимча, сурфагон препарати 2 мл дан мушак орасига юбориб даволанди. Назоратда бўлган 12 бош сигирлар умумий қабул қилинган даволаш усуллари билан даволанди. Натижа жадвалда келтирилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида эндометрит билан касалланган 12 бош тажриба гурухидаги сигирлар сурфагон препарати билан даволангандага 11 бош сигирнинг (91,6%) соғайгани, 1 бош сигирда касаллик сурункали шаклга ўтганлиги кузатилди ва даволангандаги сигирларнинг сервис даври 55 кунни ташкил этганлиги ҳамда уруғлантирилганда 10 бош сигир (83,3%) оталангани ва 2 бош сигир (16,6%) қисир колганлиги аниқланди. Назоратда бўлган сигирлар умумий қабул қилинган усулда даволагандага 9 бош сигир (75,0%) соғайди, сервис даври ўртача 68 кун бўлиб, 8 боши (66,6%) оталанди ва 4 бош (33,3%) қисир қолганлиги аниқланди.

**Хулоса.** Сурфагон препаратини сигирлар туққандан кейинги йирингли эндометрит касаллигини даволашда умумий даволаш усуллари билан биргаликда қўлланилганда (Бачадон тўғри ичак орқали енгил 3-4 дақиқа массаж қилиб ва 1:5000 фурациллин билан ювилаш, кўпик ҳосил қилувчи фурозолидон таёқчасидан 2-3 дона қўйиб ва Дитрим препаратидан 10 кг тирик оғирлигига 1 мл юбориш) сурфагон препарати 2 мл мушак орасига юборилганда даволаш самараадорлиги юқори бўлиши ва сервис даврини қисқартириши ҳамда куйга келиб оталанишда препаратнинг самараадорлиги назорат гурухидагиларга нисбатан 2 баробар юқори бўлиши аниқланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Балашов Н.Г. Ветеринарный контроль при искусственном осеменении животных. М: Колос, 1980. 272 с.
2. Муртазин Б.Ф. Кўлдошев О.У. Симтоматик пуштизлик. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалик”. – Тошкент, 2007. Й. Н 18 б.
3. Муртазин Б.Ф. Пулатов Г.С. Кўлдошев О.У. Эмбрион ўлим// “Ветеринария” – Тошкент 1996. №3 с 16.
4. Студенцов А.П. и др. Акушерство, гинекология и биотехника размножения животных. – М.: Колос. 2005.
5. Муртазин Б.Ф. Бактериальное аспекты акушерско-гинекологического паталогии коров. Афтореф. д.в.н. – Самарқанд. 2009 й.
6. Носиров У. Ўзбекистонда наслчилик иши ва наслчилик базасини такомиллаштириш муаммолари // “Зооветеринария”, 2009. № 10. 10-19 бет.

## ҮЙ ҲАЙВОНЛАРИНИНГ ОЁҚ СИНИШЛАРИДА ОСТЕОСИНТЕЗ АМАЛИЁТИНИ ҚЎЛЛАШ

### Аннотация

В ходе исследования более 60 голов собак с травмами переломов передних и задних конечностей были пролечены методом остеосинтеза. В результате проведенных лечебных процедур, 50 голов подопытных собак через полтора месяца начали ходить. 7 собак которых травмы были очень старыми, проведен ампуттирование ног. Из-за неудовлетворительного физиологического состояния, у 3-х собак проведенные лечебные мероприятия не дали положительных результатов.

**Калим сўзлар:** жарроҳлик, остеосинтез, ит, кучукча, рентген, травма, синии, умуртқа погонаси.

Остеосинтез – юонча сўздан олинган бўлиб суяқ артикуляцияси, боғланиш маъносини билдиради, турли маҳкамлаш тузилмалари ёрдамида жарроҳлик йўли билан суяқ бўлакларини қайта жойлаштириш орқали узок вақт давомида уларнинг ҳаракатини чеклашdir. Остеосинтезнинг максади сегментнинг функционал ўқини сақлаб турганда, бўлакларни тўғри ҳолатда барқарор ўрнатилишини таъминлаш, тўлиқ синтезга қадар синиши соҳасини барқарорлаштиришдан иборат.

Мазкур усул суюкларнинг бекарор синишиларини даволашда асосий усувлардан бири бўлиб, кўпинча артикуляр юзанинг яхлитлиги бузилган бўғим ичидаги синишиларда қўлланиладиган ягона усул саналади.

Остеосинтез амалиётида фиксаторлар сифатида биологик, кимёвий ва физик инерт бўлган материаллардан тайёрланган пинлар, михлар, винтлар, нақшли иғналар ва бошқалар ишлатилади.

Тадқиқот ишларимиз Тошкент шаҳридаги “Doktor Vet” ва “Doktor Umar” хусусий ветеринария клиникаларида ўтказилиб келинмоқда.

“Doktor Vet” хусусий ветеринария клиникаси раҳбари Рима Николаевна билан биргалиқда турли жарроҳлик амалиётлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, турли хил автоҳалокатлар ва тан жароҳатлар натижасида үй ҳайвонларида суяқ синиши оқибатида юзага келган травматик жароҳатларни даволаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Тадқиқотлар давомида жароҳатланган 60 бошдан зиёд итларда олдинги ва орқа оёқ синишиларини остеосинтез амалиёти йўли билан даволаш ишлари олиб борилди. Тажрибадаги 50 бош итлар бир ярим ойдан сўнг юра бошлади. 7 бош итларда эса жароҳатлари жуда ҳам эски бўлганлиги сабабли, уларда оёқ ампутацияси (кесиб олиб ташлаш) амалиёти амалга оширилди. Қолган 3 бош итларнинг физиологик ҳолати қониқарли бўлмаганлиги сабабли, ўтказилган даволаш тадбирлари ўзининг самарасини бермади.

“Doktor Umar” хусусий ветеринария клиникасида машина уриб юбориши натижасида 20-умуртқа погонаси

### Summary

During the study, more than 60 heads of dogs with fracture injuries of the fore and hind limbs were treated with osteosynthesis. As a result of the treatment procedures carried out, 50 heads of experimental dogs began to walk in a month and a half. 7 dogs whose injuries were very old underwent leg amputation. Due to the unsatisfactory physiological state, the therapeutic measures carried out in 3 dogs did not give positive results.

синган 3 ойлик кучукчанинг умуртқа погонасида мураккаб остеосинтез амалиёти ўтказилди.

Бунда кучукчанинг жароҳатланган олдинги оёқларига таянган ҳолда орқа оёқларини судраб ҳаракатланиш белгисини намоён қилди. Итнинг 20-умуртқа погонаси синганлиги рентген текшируви орқали аниқланди.

Жароҳатланган итда икки кун давомида жарроҳлик амалиётига тайёргарлик босқичи бўлиб ўтди. Бунда кучукчанинг жарроҳлик амалиётидан яхши чиқиш имконияти юкори бўлиши, бевосита унинг ички органларини меърда фаолият юритишига боғлиқлиги сабабли кучукчанинг овқат ейиши, сийиш ва аҳлат ташлаш жараёни кузатиб борилди.

Жарроҳлик амалиёти 3,5 соат давом этди ва ишнинг самарадорлиги 40 фоиз бўлди. Кучукчанинг 20-умуртка погонаси мис сим (проволка) билан мустаҳкамланди. Жарроҳлик амалиёти ўтказилган биринчи ҳафтанинг охирида кучукча орқа оёқларига таянган ҳолда ўрнидан туриб кўтарила бошлади. Бугунги кунда кучукчанинг ҳолати яхши бўлиб, у ярим турган ҳолатда юра бошлади, кузатиш ишлари давом этмоқда.

Шунингдек, тадқиқотларимиз давомида 50 бошдан ортиқ мушукларда олдинги ва орқа оёқларида остеосинтез амалиётлари ўтказилди. Ўтказган муолажаларимиз



натижасида уларнинг 45 боши даволаниб оёқларини мөъёрида босиб юриб кетди. Остеосинтез амалиёти ўтказилган 1 бош мушукда қўйилган спицани организм ёт модда сифатида қабул қилганилиги сабабли спица олиб ташланди. Қолган 4 бош мушукларда оқсоқланиш ҳолати сакланиб қолди.

Олдинги ўнг елка қисмининг синиши билан келган мушукча 3 кун давомида жарроҳлик амалиётига тайёрланди ва унинг физиологик ҳолати мөъёрий ҳолатга келгандан сўнг ёпиқ усулда остеосинтез жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Жарроҳлик амалиёти ўтказилгандан икки ҳафтадан кейин мушукча оёғини боса бошлади, 40-45 кун оралиғида мушукчага қўйилган спица олиб ташланди.

Тадқиқотларимизда ит ва мушукларда ўтказган остеосинтез жарроҳлик амалиёти очиқ ва ёпиқ усулларда амалга оширилди.

Очиқ усулда ўтказиладиган остеосинтез амалиётида жароҳат очилган жойга инфекция тушиш хавфи бўлсада, лекин мазкур усулда синган суякларни жой-жойига аниқ тушириб биритирилади.

Ёпиқ усулда ўтказиладиган остеосинтез амалиётида жароҳатланган жойга инфекция тушиш хавфи йўқ бўлсада, лекин синган суякларни битиши бироз қийшироқ бўлиши мумкин.

Итлар ва мушуклари оёқларини турли синиши, суяклари бўлинишларини даволашда остеосинтез жарроҳлик амалиётини қўллаш кутилган самарани беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Волков М. В., Гудушаури О.Н. и Ушакова О.А. Ошибки и осложнения при лечении переломов костей, – М., 1979.
2. Каплан А. В., Махсон Н.Е. и Мельникова В.М. Гнойная травматология костей и суставов, с. 171, 188, – М., 1985.
3. Соков Л.П. Курс травматологии и ортопедии, с. 80, – М., 1985.
4. Ревенко Т.А., Гурьев В. Н. и Шестерня Н. А. Атлас операций при травмах опорно-двигательного аппарата, – М., 1987.

**Тузатиши: журналнинг 11-сони, 25-саҳифадаги (“Самарқанд вилоятининг сугорилалигидан ҳудудларда асосий гельминтозларининг тарқалиши” номли мақола) 1-жадвал қўйидаги қўринишда ўқилсин.**

	Туманлар ва ҳудудлар	Текширилган тезак намунси сони	Гельминтлар тухумлари топилди															
			Трематодлар					Цестодлар				Нематодлар						
			F. hepatica	F. giganti- tica	D. dendri- ticum	Paramphistom um sp.	M. expan- sa	M. ben- edeni	Nemato- dirus	M. mar- shalli	Tricho ce- phalus sp	D. filaria						
			сонда	фонзда	сонда	фонзда	сонда	фонз	сонда	фонзда	сонда	фонзда	сонда	фонзда	сонда	фонзда	сонда	
1	Оқдарё	28	8	28,5	6	21,4	7	25,0	2	7,1	5	17,8	2	7,1	9	32,1	8	28,5
2	Пайариқ	24	8	33,3	7	29,1	9	37,5	2	8,3	4	16,6	1	4,1	7	29,1	9	37,5
3	Паст- дарғом	26	9	34,6	8	30,7	7	26,9	1	3,8	4	15,3	2	7,6	10	38,4	7	26,9
4	Катта кўргон	20	7	35,0	8	40,0	7	35,0	1	5,0	3	15,0	1	5,0	7	35,0	10	50,0
	Жами	98	32	32,6	29	29,5	30	30,6	6	6,1	16	16,3	6	6,1	33	33,6	34	34,6

## QISHLOQ XO'JALIGI HAYVONLARINI PATOLOGOANATOMIK YORIB TEKSHIRISH

### Аннотация

В статье приведены данные о научно-практическом значении патолого-анатомического вскрытия как объективного и легко доступного для практических ветеринарных специалистов метода диагностики незаразных и заразных заболеваний. Освещены сведения по месту, времени и организации вскрытия, инструментов для вскрытия, меры личной профилактике, а также утилизации и уничтожению трупов животных.

**Kalit so'zlar:** yorib tekshirish, sud-veterinariya ekspertizasi, ilmiy tadqiqotlar; prozektoriy, diagnostika, ichki a'zolar; morfologik o'zgarishlar, seksion to'plam, dezinfeksiya.

Majburiy so'yilgan yoki o'lgan hayvonlarning jasadini yorib tekshirish (sinonimlari – seksiya, autopsiya, obduksiya) – veterinariya mutaxassislari uchun yuqumsiz va yuqumli kasalliklarga tashxis qo'yishda xolisona baho beruvchi va qiyin bo'lmagan usullardan biridir.

Qishloq xo'jaligi hayvonlarini patologoanatomik yorib tekshirish usuli diagnostika, ya'ni kasallikni aniqlash, sud-veterinariya ekspertizasi va ilmiy tadqiqotlar maqsadida o'tkaziladi. Diagnostik yorishning maqsadi – hayvon o'limining sababini aniqlash, qo'yilgan klinik diagnoz va bajarilgan davolash tadbirlarining to'g'rilingini tekshirishdir. Bunda past qiymatli hayvonlarni diagnostik yorishni veterinariya mutaxassisni bir o'zi o'tkazishi mumkin, biroq qimmatbaho hayvonlarni tajribali vetrachlar va xo'jalik vaktivari ishtirokidagi komissiya tekshiradi. Sud-veterinariya ekspertizasida yorib tekshirish tergov organlari yoki sudning qaroriga muvofiq o'tkaziladi. Bunda xo'jalik hamda hokimiyatning tegishli vakillari qatnashishlari shart. Ilmiy tadqiqotlar sifatida o'tkaziladigan yorib tekshirish ishlari esa aniq bir maqsadda hamda tegishli a'zolar va to'qimalarning churuv va atroficha o'rganilishi bilan farq qiladi.

Yorib tekshirishning bunday toifalanishi, albatta, ma'lum darajada shartlidir, chunki diagnostik yorishning natijalari ko'pincha sud-veterinariya ekspertizasi uchun yoki ilmiy ahamiyatga va, aksincha, sud-veterinariya ekspertizasi xulosalari diagnostik mohiyatga ega bo'lishi mumkin. Shu tufayli, yorib tekshirishning ilmiy-amaliy ahamiyati juda katta va ko'p qirralidir.

Birinchidan, jasdalarini mohirona tekshirish barcha a'zolar va tizimlardagi morfologik o'zgarishlarning xususiyatlarni aniqlashga imkon beradi. Yorib ko'rish natijalarini klinik-epizootologik ma'lumotlar bilan taqqoslab, asosiy kasallik, uning asoratlari va qo'shimcha kasalliklarni tez va to'g'ri aniqlash mumkin. Bu esa, o'z navbatida, davolash-profilaktika tadbirlarini tegishli tarzda va o'z vaqtida tashkil etishga hamda hayvonlar o'limining oldini olishga sharoit yaratadi. Keyingi yillarda chorvachilik texnologiyalarining rivojlanishi va xorijdan keltirilayotgan qishloq xo'jaligi hayvonlari bosh sonining tobora ortib borishi tufayli patologoanatomik diagnostikaning ahamiyati yanada oshdi. Binobarin, yorib tekshiruvchi mutaxassisning tajribasi hamda diagnostuning tez va to'g'ri aniqlanishi yuqumli kasalliklar tarqalishining oldini olishga, yuqumsiz kasalliklarning esa sabablarini bartaraf etishga imkon tug'diradi.

Ikkinchidan, klinik tashxis va davolash natijalarini patologoanatomik nazorat etish yo'l qo'yilgan xatolarni aniqlashni va veterinariya xodimlari malakasining oshishini osonlashtiradi. Hatto, eng yaxshi tibbiyot muassasalarida

### Annotation

The article presents data on the scientific and practical significance of pathological and anatomical autopsy as an objective and easily accessible method for diagnosing non-contagious and contagious diseases for practical veterinary specialists. Information on the organization of the autopsy, time, place and tools for autopsy, personal prevention, as well as disposal and destruction of corpses are covered.

ham klinik va patologoanatomik tashxislar orasida 10-12 foizgacha tafovut borligini unutmashlik lozim. Demak, no-to'g'ri qo'yilgan klinik diagnozlarning va veterinariya xodimlari yo'l qo'ygan xato-kamchiliklarning o'rtacha foizini bilmay turib, davolash-profilaktika tadbirlarining yaxshilanishiga erishish mushkul. Shu munosabat bilan G.V.Shorning "Patologik anatomiya - klinikasiz, klinika esa - patologik anatomiyasiz – mantiqsizdir" degan iborasini doimo yodda tutish zarur ("О смерти человека", М., 1925, с. 7).

Uchinchidan, yorib tekshirish hayvonlar a'zolarning vazifasi va tuzilishining birligi, fiziologik va patologik jarayonlarning hamda organizm va tashqi muhit sharoitlarining o'zaro bog'liqligini to'g'risidagi veterinariya mutaxassisining fikrlesh qobiliyatini boyitadi va kengaytiradi.

Bundan tashqari, veterinariya amaliyotining xodimlari yorib tekshirishdagi qiziqarli topilmalar, kamdan-kam uchraydigan patologik holatlar va ayrim kasalliklar (o'smalar, leykozlar, moddalar almashinuvni kasalliklari va boshq.) bo'yicha veterinariya fanini boyitish imkoniyatiga ega.

Mazkur maqola yuqorida keltirilgan ma'lumotlarni inobatga olib hamda amaliy veterinariya mutaxassislarining talablari va ishslash sharoitlaridan kelib chiqib tayyorlandi.

### Yorib tekshirishni tashkil etish

Tasdiqlangan amaldagi qonun-qoidalarga muvofiq, o'lgan hayvonlarni yorib tekshirish va xulosa berishga faqatgina davlat veterinariya xizmati hamda xo'jaliklarning veterinariya mutaxassislari haqlidirlar. Bunda, har bir alohida holatda va doimo, veterinariya-sanitariya qoidalari va shaxsiy gigiyenaga qat'iy rioya qilish hamda infeksiya tarqalishining oldini olish zarur.

### Yorib tekshirishning joyi va vaqtি

Hayvonlar jasdalarini yorib tekshirish uchun maxsus jihozlangan bino (prozektoriy) veterinariya institutlari, respublika va viloyatlar veterinariya laboratoriylarida bor, xolos. Ishlab chiqarishdagi veterinariya amaliyoti xodimlari esa yorib tekshirishni biotermik yoki yangi qazilgan chuquqlar oldida, ko'pincha esa chorvachilik fermasining hududi yoki bo'sh turgan binosida bajarishadi. Iqlimning mo'tadil paytlarida jasdalarini patologoanatomik tekshirish unchalik muammlo tug'dirmaydi, ammo yomg'ir-qorli havolarda yorib, to'liq tekshirish bir qadar qiyinchiliklarga olib keladi. Binobarin, chorvachilik fermalarida asfalt yoki beton poli mayjud hamda seksiya stoli, zarur asbob-uskunalar va so'ruchchi ventilyatsiya bilan jihozlangan xona ham qurish maqsadga muvofiqdir.

Bunday sharoitlarning mavjudligi veterinariya xodimining ishini yengillashtiradi, patologoanatomik tekshirishni

hamda dezinfeksiya tadbirlarini to‘liq va atroficha bajarishga imkon yaratadi.

Yorib tekshirish jarayonini kunduzgi tabiiy yorug‘likda bajarish maqsadga muvofiqdir, chunki bunda a‘zo va to‘qimalarning rangidagi o‘zgarishlarni aniqlash oson kechadi. Biroq, kechiktirib bo‘lmaydigan paytlarda sun‘iy yorug‘likda yorib ko‘rish va ikkinchi kuni ma’lum muhitda saqlangan ichki a‘zolarni qaytadan tekshirib, bayonnomaga zarur tuzatishlar kiritish mumkin.

Brusellyoz, tuberkulyoz va paratuberkulyozga diagnostik maqsadda, shuningdek turli sabablar bilan brak qilingan, hayvonlarni so‘yish va patologoanatomik tekshirish sanitariya qushxonalar hamda chorvachilik fermalaridagi so‘yish maydonchalarida amalga oshiriladi.

#### **Yorib tekshirish asbob-uskunalar**

Diagnostik yorib tekshirishlarda anatomik yoki seksion to‘plamdan foydalaniladi. Mazkur to‘plamda turli hayvonlar jasadlarini to‘liq yorish uchun zarur bo‘lgan barcha asboblar mavjud. Biroq, bunday to‘plam yo‘qligida, seksiya yoki amputatsiya uchun katta pichoq, ichak qaychisi, yassi yoki yosimmon arracha, metall dastali bolg‘acha-boltacha, anatomik pinset va o‘lchov lineykasi-dan iborat asboblar to‘plamini veterinariya mutaxassisining o‘zi tayyorlashi mumkin. Bunda, shuningdek, yodning 5% li spirtli eritmasi, bint va qayroqtosh bo‘lishi zarur. Yorish asboblari doimo charxlangan bo‘lishi shart.

Yorib tekshirishni tugatgandan so‘ng asboblar yaxshilab yuviladi va o‘yuvchi natriy, xloramin, formalin kabi eritmalar bilan dezinfeksiyananadi, zoonoz kasalliklarda esa, bundan tashqari, asboblarni qaynatish va artib quritish zarur. Seksiya asboblari quruq joyda saqlanadi.

Jihozlangan maxsus yorish binolarida yuqorida keltirilgan asboblardan tashqari miya pichog‘i, tugmali va qovurg‘a qaychilar, suyaktiqch qisqichlar, yassi iskana, zond, suyak kesish uchun taxtakach, lupa, o‘lchov silindrлari, tarozi, spirtovka, surtma va bosmalar tayyorlash uchun yog‘sizlan tilgan buyum oynachalari, shuningdek patmaterialni fiksatsiya qilish va muzey preparatlari saqlash uchun shisha bankalar va sirlangan idishlar bo‘lishi shart.

#### **Shaxsiy xavfsizlik va mehnatni muhofaza qilish qoidalariga rioya etish**

